O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 8-fevral, chorshanba ✱ № 6 (758) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ЭЛ НАЗАРИ

Эл-юрт ҳурмати, айниқса, халқ меҳрига сазовор бўлиш учун аввало ўзингда ўзгаларга меҳр ва одамийлик, ҳиммат ва раҳм-шафқат, мурувват ва бағрикенглик минг чандон кучли бўлиши керак. Шундай яшагинки, бошқалар сенга астойдил ҳавас қилсин.

➪ 3-бет

БИР ЙЎЛА 6 ТА АЪЗО АЛМАШТИРИЛДИ

Бостон штатидаги болалар касалхонаси шифокорлари тиббиёт ўқув қўлланмасидан жой олиши кутилаётган операцияни бажаришди. Аллана Шевенелл исмли қизнинг бир йўла олтита аъзоси — ошқозон, ичак, жигар, талоқ, қизилўнгачнинг бир қисми ва ошқазон ости бези алмаштирилди. Эътиборлиси, ушбу инсон аъзоларидан бири — қизилўнгач дунёда илк марта кўчириб ўтказилди.

➪ 5-бет

МЕҲРНИНГ ҚУВВАТИ

— Рўпара қўшнимизга келин бўлиб тушганман. "Юз очди"нинг эртасига куёв — мана шу Азимжон тоғангиз "Оила меҳрнинг қуввати билан тикланади. Буни зинҳор эсдан чиқармайсиз", деб жиддий таъкидладилар. Ўзини ҳурмат қилган эркаклар бир сўзли бўлади.

➪ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✱ **6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Украина ташқи ишлар вазири Константин Гришченкони қабул қилди. Учрашувда иқтисодий ҳамкорлик, икки томонлама савдо номенклатурасини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди ҳамда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.**

✱ 5-6 февраль кунлари "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди.

✱ **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеясининг қайтадан бошланган 66-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: Соғлом она - соғлом бола" ахборот материали эълон қилинди. Унда 2011 йил 24-25 ноябрь кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтган Тошкент халқаро симпозиуми ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.**

✱ Малайзияда инглиз тилида нашр этиладиган «New Straits Times» газетасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик қобилияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон маҳобати» («Splendours of Uzbekistan») сарлавҳали мақола чоп этилди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

✓ Таълим

Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда.

Ислом КАРИМОВ

КЕЛАЖАКНИНГ НУРЛИ ЙЎЛЛАРИ

Бугун мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида бунёд этилаётган янги ишлаб чиқариш корхоналари, замонавий лойиҳалар асосидаги маданий, ижтимоий-иқтисодий объектлар, турар жой бинолари билан бир қаторда, ўзига хос такрорланмас қиёфага эга таълим-тарбия муассасалари ўлкамизга кўрку тароват бахш этиб турибди. Агар мазкур илм масканларининг рақамлардаги аксига эътибор берадиган бўлсак, бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг нақадар улканлигига, ислоҳотлар қамрови нечоғли кенглигига амин бўлиш мумкин.

Айни кунларда республикамиз халқ таълими тизимида 4978 та мактабгача таълим муассасаси, 9779 та умумий ўрта таълим мактаби, 303 та мусиқа ва санъат мактаби, 432 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 211 та «Баркамол авлод» маркази, 5 та педагогика олийгоҳи ҳамда 16 та малака ошириш институти самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, уларнинг энг сўнгги туркумдаги компьютер жамланмаларига, зарур ўқув-методик адабиётларга, турли хил лаборатория ускуналари ва спорт жиҳозларига эга эканини таъкидлаш жоиз. Бундай шароит ва имконият фарзандларимизнинг илм-фан ютуқларини ўзлаштиришларида, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб улғайишларида ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Юртимизда азал-азалдан ёшлар таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиб келинади. Шу боис, истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб ўзининг мустақил фикрига эга, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга қодир, маънавияти баркамол авлодни тарбиялашга жиддий эътибор қаратилди. Шунинг баробарида «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги меъёрий ҳужжатлар яратилдики, улар соҳани тубдан ислоҳ қилиш, ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб тарбиялашига, пухта ва чуқур билим олишига хизмат қилмоқда.

Тарих гувоҳ, собиқ шўролар давридаги таълим тизими мамлакатимиз фуқароларининг онг-шуурига, ёшларимизнинг дунёқарашига бизга ёт ғояларни сингдирган эди. Ачинарлиси, дунёдан узилиб қолгандик. Бу аҳволда давлатнинг ривожланиши, дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиш борасида ўйлаб ҳам бўлмас эди. Ўша пайтда амалда бўлган таълим-тарбия тизими ўзининг мафкуравий бирёқламалиги, таълим билан тарбиянинг узвий боғланмагани, замонавий талаблардан кескин ортда қолгани, таълим муассасаларининг моддий базаси ниҳоятда ночорлиги билан ажралиб турарди. Айниқса, бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб қаралиб, шундан келиб чиққан ҳолда билими энг саёз ўқитувчиларни шу босқичда ишлатишдек салбий анъана мавжуд эди.

2 »

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



ҲАР КЎНГИЛ ИШҚ ИЧРА ПОК
ТИЙНАТ БЎЛАР КУНДИР БУ КУН,
БИТТА СЎЗ ОЛАМ АРО
ЗИЙНАТ БЎЛАР КУНДИР БУ КУН.
ТИЙРА ДУНЁГА ЗИЁ
СОЧГАЙ МУНАВВАР БИР ИСМ,
БИР ИСМДАН БИР УЛУС
МИЛЛАТ БЎЛАР КУНДИР БУ КУН.

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Даҳо шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш ўз замонасидан бошланиб бугунги кунгача сўнмай келаётир. Аёнки, ижтимоий-тарихий тараққиёт илгарилагани сари инсон тафаккури муайян воқеа-ҳодисага нисбатан турли қарашларни намоён этади. Бу қарашлар, аввало, ҳар-бир даврда пайдо бўлган ғоявий эстетик йўналишлар негизида туғилади. Тарихий шахслар фаолияти талқини ана шу ғоявий-бадиий ҳодисанинг мураккаб тафаккур мевасидир. Алишер Навоий сиймоси ҳам беш асрдан зиёд муддат мобайнида тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этиб келинган.

Таниқли матншунос олим, филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддиновнинг таниқли адабиётшунос Маҳмуд Саъдий масъул муҳаррирлигида 2011 йил «Akademnashr» нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Алишер Навоий» деб номланган монографияси ҳам Улуғ мутафаккирнинг ҳаёти ва фаолияти манбаларнинг қиёсий-типалогик, текстологик асосида қайта ўрганиб чиқилган тадқиқотлари натижасидир. Эътиборингизга монографиянинг иккинчи бобидан жой олган **«БУЮК ДЎСТЛИК»** деб номланган бўлими ҳавола этилмоқда.

БУЮК ДЎСТЛИК

Алишер Навоий Ўрта Осиё, айниқса, Хуросон давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган темурийлар салтанати даврида яшади. Алишернинг ота-боболари темурий шаҳзодаларга яқинликлари жиҳатидан ҳамиша саройда хос эътиборга эга эдилар. Ушбу ҳол Алишернинг мукаммал тарбия топиши ва замонасининг улуғ кишилари қўлида илм ўрганишига имконият яратди. Султон Ҳусайн уни етук файласуф шоир ва давлат арбоби сифатида чексиз қадрлади. Алишер Навоий ўзига насиб этган бахт-саодат шукронасини:

Иқбол мутну бахт ёвар бўлди
Хуршед раҳню сипеҳр чокар бўлди.
Олам элидан кимга муқаррар бўлди,
Бу мартабаким манга муяссар бўлди, —

деб миннатдорлик билан ифодалагани бежиз эмас, албатта. Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий дўстликлари ҳақида шунчалик кўп манбаларда битилганки, бу ибратомуз фазилат соҳиблари муносабатлари афсоналарга қоришиб кетгандир. Бу икки буюк зот бири фозиллигу донолик, иккинчиси қилич ва сиёсат билан XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон мамлакати ва темурийлар салтанати шон-шуҳратини етти иқлимга машҳуру манзур этганлар. Бир афсонада шундай нақл қилинади: «Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ёшликдан жуда қалин дўст бўлганлар, мактабда ҳам бирга ўқиганлар. Уларнинг домласи ғоят ўткир зеҳнли киши экан. У киши бир куни шогирдларининг зеҳнини, нимага қизиқишларини билмоқчи бўлибди. Ҳар иккаласига бош ва қилич расмини чизиб берибди-да, шарҳ ёзиб келишни топширибди. Алишер бош ва ақлни, доноликни таърифлаб ғазал битиб келибди. Ҳусайн бўлса қиличга ҳамду санолар айтиб, жангу жадал ҳақида мадҳия ёзибди». Халқнинг бу икки тарихий шахс тўғрисидаги тасаввури ана шу ривоятда мужассамдир.

8 »

КЕЛАЖАКНИНГ НУРЛИ ЙЎЛЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Энг ёмони, маориф тизимида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мустақил, эркин фикрлашига имкон берилмасди.

Мана бу рақамларга эътибор беринг: 1991 йилгача Ўзбекистондаги мавжуд 8 минг 214 та мактабнинг 4 минг 689 таси, бошқача айтганда, борйўғи 57 фоизи лойиҳалаштирилган биноларда жойлашган эди. 3 минг 525 та мактаб эса мослаштирилган, шундан 1 минг 167 таси, яъни 33 фоизи ўтган асрнинг 40-60-йилларида ҳашар йўли билан пахса ва хом ғиштдан қурилган, мактаб деб аташга тил бормайдиган, ҳеч бир техник ёки санитар меъёрга жавоб бермайдиган бинолар ҳисобланарди. Жумладан, Жиззах вилоятининг 60 фоиз, Навоий вилоятининг 63 фоиз, Самарқанднинг 65 фоиз мактаблари ана шундай аянчли аҳволда бўлган. Шунингдек, 4 минг 248 та мактаб газлаштирилмаган, 3 минг 581 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланмаган, 4 минг 253 таси эса ҳатто телефон алоқаси тизимига уланмаган эди. Янги мактабларни қуриш йиллар давомида пайсалга солиб келинган. Масалан, ўтган асрнинг 80-йиллари давомида бор-йўғи 6 минг 372 ўқувчи ўрнига мўлжаллаган 18 та мактаб қурилган, холос.

Мустақилликка эришилгач, Президентимиз ташаббуси билан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши соҳани ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан тўла халос этиш, юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишга асос бўлди. Қонунга мувофиқ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури яратилди. Мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишда Юртбошимиз олға сурган тараққиётнинг «Ўзбек модели» тамойилларига қатъий амал қилиниб, босқичма-босқич амалга оширилди.

Таълим тизимидаги яна бир диққатга молик жиҳат шуки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастурининг қабул қилиниши ислоҳотлар кўламини янада кенгайтирди. Ушбу ҳужжат мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда асосий дастуриламал бўлгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, таълим-тарбия ишлари самарадорлиги замонавий талаб даражасидаги мавжуд шарт-шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу эса ўз архитектурасига кўра кўркам мактаб биноси, ундаги ўқув синфларининг жиҳозланиши, ўқитувчи ва ўқувчиларга барча зарур шароитларнинг яратилишидек муҳим талабларни ўз ичига олади. Шу туфайли истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида «бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадамба-қадам, изчиллик билан бажаришга» бел боғланди. 1991-2003 йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида 1 миллион 893 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 152 минг 800 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши натижасида республика бўйича 3 миллион ўқувчи таълим оладиган 8 минг 501 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари бажарилди. Умуммиллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш том маънода умумхалқ ҳаракатига айланди. Ҳомийлик асосида мактаблар қуриш ҳам кенг қулоч ёйди. Аниқроғи, ўтган йиллар давомида юртимизда ҳомийлик ёрдамида 47 та мактаб қурилди, 30 таси капитал реконструкция қилинди, 95 таси капитал таъмирланди, 233 та таълим муассасаси жорий таъмирдан чиқарилди. Шу йиллар давомида 1607 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланди. 1163 та мактаб газлаштирилди, 1607 та мактабга телефон тармоғи олиб келинди, 1076 та мактаб канализация тармоғига уланди.

Ўтган йилларда қурилиш-таъмирлаш ишлари билан бирга таълим муассасаларининг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-методик материаллар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки таълим-тарбия сифати, ўқитиш самарадорлигини оширишда мазкур масала муҳим аҳамият касб этади. Бу мақсадлар учун

Жиззах шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабида ёшларнинг пухта билим эгаллаши учун барча шароитлар яратилган. 990 нафар ўғил-қиз сабоқ олаётган таълим масканида дарслар ўқитишнинг самарали усуллари – кўргазмали қурол ва янги инновацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда олиб борилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Ўктамжон Гулмирзаев ўқувчи Фархунда Мажидова билан.

Дилдора Болтаева Шеробод туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқувчиларига янгича педагогик услуб ва технологиялардан кенг қўллаётгани, ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик билан ёндашуви, интерфаол усуллардан фойдаланиши дарс самарадорлигини таъминламоқда. Ўқувчилар машғулотлар давомида ўтказиладиган «очиқ дарс», дидактик ўйинлардан чуқур билим олиш билан бирга, эркин фикрлаш, янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишга ўрганаётир.

Нукус шаҳридаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий ва спорт гимнастикаси тўгарагида беш юз йигирмадан зиёд ўғил-қиз шуғулланмоқда.

Бухоро шаҳридаги 32-умумий ўрта таълим мактабида фанлар бўйича турли танлов, ноанъанавий дарс ва мусобақаларнинг мунтазам ўтказилаётгани ёшларнинг билимини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. "Моҳир қўллар" тўгарагида қизлар тикувчилик борасида маҳоратини шакллантираётир.

522,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани қувонарлидир.

Жамият тараққиёти, фан-техникадаги ҳар бир янгилик инсон дунёқарашида ҳам ўзига хос ўзгариш ясайди. Шу нуқтаи назардан, илм-фандаги ҳар бир юксалиш, янгилик давлат таълим стандартларини узлуксиз такомиллаштириб боришни тақозо этади. Яъни, тараққиёт бор экан, ўқувчи ҳамда ўқитувчига қўйиладиган талаб ҳам, ўқитишу тарбия беришнинг восита ва усуллари ҳам такомиллашиб бориши тайин. Барча фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ёшларнинг янгиликларни чуқур ўзлаштиришига олиб келади. Шуни ҳисобга олган ҳолда соҳада ҳам қатор ишлар олиб борилди. Агар 2004 йилда республика бўйича 1 минг 342 та (14 фоиз) мактабда сўнгги русумдаги компьютерлардан фойдаланилган бўлса, бугун уларнинг сони 7 минг 584 та (76 фоиз)ни ташкил этади. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2005 йил 28 сентябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республикадаги 9392 та таълим муассасаси ZiyoNET тармоғига уланган.

Ўқувчининг дунёқараши, билимини чуқурлаштирувчи воситалардан энг асосийси, шубҳасиз, китобдир. Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори асосида дарсликларнинг янги авлодини яратиш, уларни нашр этиш ва ўқувчиларга етказишнинг тизимли механизми яратилди.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, 1991 йилда мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиши 55,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 99,4 фоизга етди. Фақат 2004-2011 йиллар давомида жами 163 миллион 436 минг 83 нусхада дарсликлар чоп этилиб, ижара тизими орқали ўқувчиларга етказиб берилди. Шундан кам таъминланган оила фарзандлари муайян дарсликлар давлат ҳисобидан бепул таъминланди. Биринчи синф ўқувчиларига ҳар йили Президент совғаси сифатида 12 хил ўқув қуроллари билан бирга барча дарсликлар тақдим этилади.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида 1074 та ахборот-ресурс маркази ташкил этилиб, улар зарур техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Мазкур марказларнинг китоб фонди эса 7 миллион 960 минг 840 нусхани ташкил этади.

Бола тарбиясида мусиқанинг, санъатнинг ўрни беиҳоя катта. Буни эътиборга олган ҳолда, Президентимиз ташаббуси билан фарзандларимиз истеъдодини рўёбга чиқариш, улар қалбига санъат орқали миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни сингдириш мақсадида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2009-2011 йилларда мамлакатимизда 119 та янги болалар мусиқа ва санъат таълим муассасаси қуриб фойдаланишга топширилди. Улар замонавий, миллий мусиқа чолғулари, мебель ва ускуналар билан таъминланди. Ҳозир республика халқ таълими тизимида 301 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 2 та ихтисослашган мусиқа академик лицейи фаолият кўрсатяпти. Уларда таҳсил олаётган ўқувчиларга 7445 нафар ўқитувчи ва концертмейстерлар мусиқанинг асосий йўналишлари бўйича сабоқ бермоқда.

Мусиқа ва санъат таълимига берилаётган юксак эътибор, яратилаётган замонавий шарт-шароитлар натижаси ўлароқ, ўқувчиларнинг халқаро танлов ҳамда фестивалларда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ортиб бормоқда. Мустақилликка эришгунимизгача ҳар йили 3-4 нафар ўқувчи халқаро танловларга йўлланма олган бўлса, 1992-2011 йилларда 306 нафар истеъдодли ёшларимиз Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Руминия, Голландия, Польша, Россия, Украина каби ўнлаб давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро танловларда иштирок этиб, юксак натижаларга эришдилар.

«Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир». Президентимизнинг бу сўзлари юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш йўлида астойдил изланаётган ўн минглаб устозларимиз меҳнатининг самимий эътирофидир. Айни пайтда мамлакатимиздаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган 4 миллион 682 минг 477 нафар ўқувчига 423 минг 574 нафар устозлар таълим-тарбия бермоқда.

Бугунги кунда бутун дунёда кенг эътироф этилаётган таълим-тарбиянинг «ўзбек модели» ўзининг амалий натижаларини бера бошлади. Ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар минтақа ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган нуфузли фан олимпиадалари, кўрик-танловларда энг юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар. Биргина мисол. 1995 йилгача республикамиз мактаб ўқувчилари бирорта ҳам халқаро фан олимпиадасида иштирок этмаган эди. 1995-2011 йиллар давомида эса кимё, биология, физика, математика, информатика ва хорижий тиллар бўйича халқаро фан олимпиадаларида қатнашган иқтидорли фарзандларимиз 157 та, шундан 20 та олтин, 49 та кумуш, 88 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Хулоса шуки, мустақиллик йилларида таълим тизимида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар ўз натижаларини бермоқда. Бугун Ўзбекистоннинг иқтидорли фарзандлари ўз билими, кучи ва ақлий салоҳияти билан дунёга дадил чиқмоқдалар. Дунё уларни, улар орқали Ўзбекистонни янгидан кашф этмоқда.

Истиқболда эса соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ кўламдор вазифалар турибди.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat"мухбири
(ЎзА) *олган суратлар*

Хабардор бўлинг!

ТУРАР ЖОЙНИ ИЖАРАГА БЕРИШ, мулкий даромад ва солиқ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ фуқароларнинг уларга тегишли бино, иншоот ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага беришдан олинадиган даромадлари мулкий даромад ҳисобланади. Фуқароларнинг ушбу даромадларига солиқ солишни тартибли ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг 1 январидан соҳага оид қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсатқичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига кўра жорий йилнинг 1 январидан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкини ижарага беришдан олган даромадини солиққа тортишда ижара ҳақининг (юридик ва жисмоний шахслар учун) энг кам миқдорлари белгиланди. Жисмоний шахсларга турар жойнинг 1 квадрат метр учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ижара тўловининг энг кам миқдори унинг жойлашган жойига қараб табақалашган миқдорда белгиланадиган бўлди. Жумладан, Тошкент шаҳрида 3 минг, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунадиган шаҳарларда 2 минг, бошқа аҳоли пунктларида 1 минг сўм бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорлари ўрнатилди. Шунга биноан, агар фуқаро турар жойни ижарага бериш шартномасига кўра, умумий майдони 150 кв.метр бўлган жойни ҳар ойда 100 минг сўм миқдорида ижара ҳақига шартнома тузган бўлса, Тошкент шаҳрида белгиланган меъёрларга мувофиқ бундай майдондан ижара ҳақининг 1 ойлик минимал миқдори 450 минг (150х3000) сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

Солиқ кодексининг 181-моддасига кўра жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкини ижарага беришдан олган мулкий даромади (жисмоний шахсларнинг даромади миқдоридан қатъи назар) олинадиган солиқ шкаласининг минимал ставкасида солиққа тортилади. Кодекснинг 192-моддасига мувофиқ, бунда даромад олаётган жисмоний шахс белгиланган тартибда даромадлар тўғрисида дастлабки ва якуний декларациялар тақдим этади: дастлабки декларация — шундай даромадлар юзага келган кундан эътиборан бир ой ўтгач, беш кунлик муддатда (агар бу даромадларга жисмоний шахслар даромадларига тўлов манбаида солинадиган солиқ солинмаган бўлса) тақдим этилади; якуний декларация — ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 15 январига қадар тақдим этилиши керак. Шунингдек, мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тўхтаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилиши лозим.

Солиқ кодексининг 193-моддасига кўра, мол-мулк ижарасидан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар (белгилаб қўйилганидек, агар ушбу даромад тўлов манбаида солиққа тортилмаган бўлса). Йил тугагач, ушбу солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 15 мартигача солиқ тўловчидан ундирилади ёки унга қайтарилади.

Яна бир янгилик. Ижара шартномалари ҳисобини тўғри ташкил этиш, кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадларни яшириш ҳолатлари олдини олиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс «Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик» номли 159-1-модда билан тўлдирилди. Унда фуқаролар ўртасида бино, иншоот ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Бу каби ўзгартишлар ва янгиликларнинг барчаси, шубҳасиз, мамлакатимизда солиқ тизими пухта шаклланиб, йил сайин такомиллашиб бораётганининг ёрқин далолатидир.

У.ҲОТАМОВ,
Сергели тумани ДСИ
бошлиғи ўринбосари,
М.МУҚСУМОВ,
шўъба бошлиғи

Мушоҳада

ЭЛ НАЗАРИ



Агар эл қилмади ҳимоят сенга,
Ўзингдан керакдир шикоят сенга.
Алишер НАВОИЙ

ЯХШИЛИК ЭЛЧИЛАРИ

...Шундай қилиб, Алижон ака бир тўхтамга келди. Аёллар совчиликка боради. Аммо ундан аввал оқсоқолни олиб ўтади! Ёшлар аҳд-паймон қилгани яхши, лекин у киши билан бирга, бўлажак қуданинг олдидан ўтиши ундан ҳам яхши. Улар учун ҳам, ўзи учун ҳам обрў. Қизнинг ота-онаси шундай бообрў одам бу ишга бош қўшганини яхшиликка йўяди, кўнгли ўсади. Оқсоқолнинг оқ фотиҳаси янги оилага пойдевор бўлади, ёмон кўзлардан асрайди. Ўғли билан келини: "Шу табаррук зотнинг дуосини олиб, турмуш қурганмиз!" — деб эслаб юради...

Халқимизда шундай удум бор. Одамлар катта бир ишга қўл уришдан аввал эл-юрт назаридаги ёши улуғ зотдан оқ фотиҳа олади, керак бўлса, қурбонлик қилади ва оқсоқоллар маслаҳати билан иш кўради. Чунки узоқ ҳаёт йўлини босиб ўтган, тақдир имтиҳонларини енгиб, мисқоллаб обрў йиққан бундай кишилар кўп ҳикмат ва тажрибага бой бўлади. Улар йилнинг келишини олдиндан билади, ҳаётий кузатишларига таяниб тўғри йўл-йўриқ беради. Бундай жонкуяр инсонлар дарёдай ҳимматли бўлади, ўзининг ҳалоллиги, ўткир зеҳни ва фидокорона меҳнати билан эл-юрт ҳурматини, меҳрини қозонади. Одамлар бундай инсонларга ишониб яшайди ва қадамини қутлуғ деб билади.

Албатта, бундай иззат-икром ўз-ўзидан келмайди. Эл-юрт ҳурмати, айниқса, халқ меҳрига сазовор бўлиш учун аввало ўзингда ўзгаларга меҳр ва одамийлик, ҳиммат ва раҳм-шафқат, мурувват ва бағрикенглик минг чандон кучли бўлиши керак. Шундай яшагинки, бошқалар сенга астойдил ҳавас қилсин. Тозаозода кийинишингга, дастурхонинг очиқлигига, илғор тушунча ва ташаббус билан яшашингга, яхши-ёмон кунда одамларнинг кунига ярашингга, қуёшдай саховат билан ҳаммага бирдек яхшилик қилишингга...

Бунинг учун ҳамиша адолат тарозисини тенг тутиш, эл-улус манфаатини ўз манфаатингдан устун қўйиш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт иши учун ўзни фидо этиш лозим бўлади...

Мен Низом бобо деган бир инсонни биламан. У бир неча йил маҳаллага раислик қилди, кўп яхши ишлар унинг номи билан боғланди. Ёши бир жойга боргач, бу вазифани у ёшларга топширди. "Ёшлар ҳаракатчан бўлади, ташаббус кўрсатиб ишласа, одамларга кўп фойда етади", — деди. Қаёқда, бари бир, одамлар уни қўймайди, жиддий бир муаммо туғилса, у кишининг олдига шошади. "Сиз дунё кўрган одамсиз, ҳаётнинг паст-баландини яхши биласиз, бир маслаҳат беринг!" — дейишади. Оқсоқол суҳбатдошини вазминлик билан тинглайди, кейин шу ташвиш ўз бошига тушгандай узоқ ўйланиб, оқилона ечим ахтаради. Бундай ҳолда у ўзганинг дардини ўз юрагидан ўтказади, десак, тўғри бўлади.

Низом бобо маҳалла ташвиши ёки бирон-бир одамнинг муаммоси билан қайси идорага бормасин, масъуллар хушёр тортиб, ҳайқириброқ кутиб олишади. Нега? Чунки улар яхши биладики, бу ҳурматли киши ҳеч вақт ўз ташвиши билан ёки шунчаки масалада уларни безовта қилмайди, аксинча, кўпчилик ҳаётига алоқадор жиддий бир масала туғилса, уни осонликча ҳал этиб бўлмаса, мажбуран мутасадди идорага бош суқади. Кўмак сўрайди, ҳатто ечимини ўзи айтади. "Сиз ёрдам беринг, маҳалла ҳам қараб турмайди", — дейди. Агар, шунда ҳам амалдор сустлик қилса, аммо аяб ўтирмайди: "Ҳой, барака топгур, кўзингни очиб, атрофга бир қара! Нималар бўлаяпти?! Дунё ўзгариб кетаяпти! Президентдан ибрат олсанг, бўлмайдими! Лекин, бу кетишда узоққа бормайсан, элнинг назаридан қоласан!" — дейди, тиғдор танбеҳ беради.

Бу — жуда таъсирли ибора — элнинг назари. Ва у бор гап. Унинг замирида заҳматкаш эл-улус манфаати ётибди. Шундан келиб чиқиб, унинг муносабати шаклланади. Дунёда ҳал қилувчи куч — эл-улус. Унинг манфаати ҳамма нарсадан баланд. Унинг меҳри кўкартиради, назари эса кесади. Шу маънода, Низом бобонинг гапи кўпчилик жўровоз бўлиб айтгандай кучга эга бўлади...

Бундай ҳақ-ҳуқуқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, бунинг учун муҳрли ҳужжат бўлиши ёки ҳокимнинг буйруғи расмийлаштирилиши шарт эмас. Ҳатто шундай қилиб ҳам бу мақомга эришиб бўлмайди. Бунга меҳридарё одамлар, элим-юртим деган раҳбарлар йиллар мобайнида ўзгалар дарду қувончи билан яшаб, халқнинг оғирини енгил қилиб, кўпчиликнинг дуосини олиб меҳрини қозониш, яъни, элнинг назарига тушиш орқали эришади.

Бундай инсонларнинг ҳеч ким йўлини кесиб ўтмайди. Ёшлар қўлини кўксига қўйиб салом беради, оиладаги урушжанжал, маҳалла-қўйдаги келишмовчилик уларнинг саъй-ҳаракати билан барҳам топади, яхшилик сари юз буради. Тили узунлар тилини, эгри қўллар ўзини тияди. Унинг ўрнида савоб ишлар, хайрли ишлар илдиз отади. Худдики, улар Яхшилик элчилари...

ИХЛОС

— Бултур даламизда ҳосил баракали бўлди, — дейди Фарғонанинг Учкўприк туманидаги "Файз" фермер хўжалиги раҳбари Воҳиджон Мелиқўзиев. — Одамларимиз берилиб ишлади. Биласиз, берилиб ишлаган одам мўъжиза яратади. Ҳар туп ғўза меҳр билан парвариш қилинди. Куз ҳам келди. Ҳосилнинг чўғи баланд. Йиғим-терим авжида. Ўша кунларда даламизга Президентнинг қадами етди. Давлатимиз раҳбари оқ-оппоқ пахтазорни оралаб, жуда хурсанд бўлди, манглай тери билан она заминга файз киритибсиз, қаранг, одамнинг руҳи енгил тортади, деди. Бу гап менга қаттиқ таъсир қилди. У киши кунни тунга улаб чеккан заҳматингиз ҳалол, даромадингиз ҳам шунга яраша бўлади, деди, шекилли?! Шундан куч олиб, катта ишларга қўл урдик...

Халқимизнинг давлатимиз раҳбарига ихлоси баланд. Нимага десангиз, энг оғир йилларда кишиларимизни, айниқса, водий халқини ўт-олов ичидан омон олиб чиқди, донғил йўл кўрсатиб, шундай ҳаётга бошлади!..

Воҳиджон халқнинг дилидаги гапни айтди: Президентимизга ихлос. Ҳа, том маънода ихлос. Шу сўзни эшитганда, чигал ва долғали кураш билан кечган янги тарихимиз лоп этиб кўз олдимдан ўтди. Ўш-Ўзган, Фарғона воқеалари, Паркент, Бўка, ундан сўнг Сариосиё ва Узун, Андижонда содир этилган нотинчлик...

Февраль воқеалари ҳамон кўз олдимда. Вазирлар Маҳкамаси ёнида портлаш содир этилганда мен ҳам ўша ерда, Мажлислар залида эдим. Шу боис, бундай хуруж нима эканини яхши биламан...

Тўқсонинчи йилларда бошланган Ўзбекистонни танлаган йўлидан қайтариш ва Косово-даги ёки Яқин Шарқдаги каби ҳеч ўчмас аланга ичига тортиш ҳаракати кўп нотинчлик келтириб чиқарди, тараққиётнинг оёғидан ушлаб орқага тортди. Дунёда бирон-бир мамлакат бундай узлуксиз хуружга дош бера олмас эди. Аммо биз енгиб чиқдик!

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ?

Давлатимиз раҳбарининг тарихий тажрибадан хулоса чиқариб, узоқни кўзлаб, қатъият ва матонат билан иш кўриши, келажакка мислсиз ишончи, халқимизнинг у кишига умид боғлаб, яқдиллик билан ҳаракат қилиши бунга йўл очди.

Ихлос — халос, дейди эл-улус. Халоскор жасорати ва унга ихлос бизни балолардан сақлайди.

Шундан бери ҳам қанча сувлар оқиб ўтди, қанча салтанатлар остин-устин бўлиб кетди. Шукурки, мамлакатимиз тинч, хонадонимиз осойишта. Қаёққа қараманг, тўй-тантана, қуриш, яратиш, юксалиш!..

Ҳозир бир тўйга, бир карнай садосига маҳтал бўлган халқлар қанча!..

Ихлос ишонч ва меҳрдан баланд туради. Халқ азиз-авлиёларга, ҳикмат соҳиби бўлган табаррук сиймоларга ихлос қилади. Ва бу ўз-ўзидан бўлмайди. Ёдимда, Лондон метросида портлаш содир этилганда, Англияда кучли давлатлар раҳбарлари саммити бўлаётган эди. Улар масалага қандай ёндашар экан, жабрланган одамлар ҳолидан хабар олиб, кўнгил сўрашса керак, деган ўйда воқеалар оқимини диққат билан кузатдим. Чунки бу Кўҳна қитъада рўй берган дастлабки фалокат эди. Ўшанда "Евроньюс" Жорж Бушнинг велосипедда сайр этганини ва йиқилиб тушганини кўрсатган, холос.

Энди сиз бир кўз олдингизга келтиринг: Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари бўлиб иш бошлаган кундан бошлаб, қаерда ўт чиқса, қаерда нотинчлик бўлса, шунинг "ўчоғ"ига ўзи бориб, вазиятни қўлга олиб, жунбушга келган издиҳомни вазминликка, тинчликка ундади, жафокаш эл-улусга тоғдек таянч бўлиб турди.

Бу ҳар кимнинг қўлидан келмайди.

Ёзувчи Чингиз Айтматов Ўшдаги мислсиз фожиадан сўнг Президент Ислом Каримов одамлар дардига дармон, дил ярасига малҳам бўлганини айтиб: — Қани энди, ҳар бир халқнинг шундай таянчи бўлса! — деган эди.

Бу — бежиз эмас, албатта.

Ихлос мана шундай катта маънодаги жонкуярлик туфайли юракларда илдиз отади.

Бугун, тўфон қўпган денгиздек дунё чайқалиб турган, бўҳрон, инқироз ва ишсизлик, турли табиий офатлар авж олган мана шу нотинч замонда Ўзбекистон қаддибастини осмонўпар уйдай кўтарган экан, орзу-ҳавас ва интилиш беқиёс экан, мустақиллик йилларида халқимиз ўн миллионга ўсган экан, бунинг барчаси айланиб келиб бир тарихий шахснинг, яъни, Ислом Каримовнинг номи билан чамбарчас боғланади. Эртанги кунимиз ҳам, орзу-ҳаваслaримиз ҳам! Шу боис, халқимиз, ҳар бир пок ниятли инсон у зотга меҳр ва ихлос билан қарайди. Мана шу ҳавас одамларни ўсишга, ёшларни улғайишга ундайди.

Бундай иззат-ҳурматга сазовор бўлган одамлар диёримизда оз эмас. Улар бунга юрт ободлиги йўлидаги ҳалол меҳнати, тиниб-тинчимаслиги ва яратувчилик салоҳияти туфайли эришган. Улардан фақат яхшилик ва яратувчилик иқлими таралади, сиз бу иқлимга кирсангиз, она диёримизни, умуман, оламни янада гўзал ва беками-кўст кўриш истаги билан яшайсиз.

«ЎҒЛИМИЗ СИЗГА ЎХШАСИН!»

Сарсенбой Есимовни Жиззах воҳасида билмайдиган одам камдан-кам. Бир вақтлар туман раҳбари бўлган, ҳозир, журналистлар тили билан айтганда, "кексалик гаштини сурмоқда". Аммо, иззати баланд. Отдан тушгач, эгардан тушмаса ҳам, ҳатто ўз уйида гапи ўтмай қолган "собиқ"лар озми?! Сарсенбой оға эса ҳамон эл назарида. Одамлар тўй-маърака қилса, "Оқсоқол, тўйни ўзингиз бошлаб берасиз!" — деб туради. Тўйни очиб бергач, ўғлимиз сиздай бўлиб юрсин, деб яхши ният билан унга тўн ёпади.

Улуғлик тўни бу!

У кишининг одамлар бошини бир-бирига қўйиш санъати ҳақида афсонага ўхшаш гаплар юради. Бу инсон халқ дипломатияси намояндаси, ўзи ҳам бутун бир мактаб яратган. Қаерда муаммо туғилса, албатта: "Сарсенбой оғага бориш керак!" — деган хулосага келинади.

Оқсоқол масала ечимига киришганда, биринчи навбатда, адолат тарозиси қўлга олинади. Мисқол-мисқоллаб ўлчанади. Ҳақликка қарши чиқишга эса ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Шу маънода, эл назаридаги одам иймонли қозига ўхшайди, унинг ҳукмида одиллик ва адолат устун бўлади.

Мен гоҳо ўйлайман: мана шу инсон бир марта чекинса, ўз манфаатини ўйлаб риёкорлик қилса, нима бўлар эди?

Ёки бўлмаса, халқимиз меҳрини қозонган Мадамин Ҳасанов, Шабот Хўжаев, Суюма Ғаниева, Абдулла Орипов, уста Абдуғани Абдуллаев, Зикир Муҳаммаджонов, Тўра Мирзаев, Баҳодир Жалолов каби иззатли зотлар бир марта алдам-қалдам йўл тутса, нима бўлар эди?

Шубҳасиз, эл назаридан қоларди.

Шунинг учун ҳам фарзанди бир ножўя иш қилса, дунё кўрган падари бузруквори: "Мен бир умр мисқоллаб йиққан обрўмни тўкдингми, калтабин?!" — деб уни коийийди.

Яқинда матбуот, газета-журналларни тарқатиш ва нашр ишлари, бу жараёнда бойлик орттираман деб қилинган қилвирликлар, айрим газета вакилларининг таъмагирлиги, бир сўз билан айтганда, миллий матбуотни обрўсизлантирган кимсалар ҳақидаги ҳужжатли фильмни кўриб, шу ўйлар хаёлимдан ўтди.

Биз, журналистлар давлатимиз раҳбари ўзбек матбуоти, ўзбек радио-телевидениеси дунёдаги ҳеч бир матбуот, ҳеч бир радио-телевидениедан кам бўлмасин, деб қанчалик жон куйдиришини жуда яхши биламиз. Газетамиз ўқувчига ўз вақтида етиб борсин, деб гоҳо ишхонада тонггача қолиб кетамиз. У кишининг таъбири билан айтганда, "журналистнинг нони қаттиқ". Аммо халқаро миқёсга чиқиш, мухолифларга муносиб жавоб бериш, танқидий-таҳлилий мақолалар, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни шарҳлаш борасида ҳамон сустмиз. Шўро замонида: *"Туда нельзя, сюда нельзя!.." деган* бир қўшиқ бўлар эди. Худди шунга ўхшаб, ичимиздаги "Цензор" таъқиб этишни қўймайди, "Ёзма!" — деб қўлимиздан тутиб туради...

Бу — катта фожиа ва унинг асос-илдизлари фильмда чуқур очиб берилган.

Бир вақтлар ноқобил ўғилқиз ножўя иш қилса, унинг ота-онаси қишлоқда бош кўтариб юра олмаган. Шармандаликка, эл назарига чидай олмай, ҳатто кўчиб кетганлар бўлган.

Биз-чи?

Қўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис, деган қабилда иш кўрамиз. Сен тинч — мен тинч. Ҳолбуки, ундай эмас! Индамасанг, бузуқбош бошингга чиқиб олади. Иммунитет қобилиятини йўқотган одам ҳалок бўлади.

Эл назари — унинг иммунитет қобилиятидир. У ота-боболаримиз улуғлаб ва риоя этиб келган ахлоқ-одоб меъёнлари, урф-одатларимиз, муқаддас туйғулар — олий туйғулар ҳимоячиси. Бу қадрият поймол бўлса, ҳаёт маъно-мазмунини йўқотади. Ҳалол билан ҳаромнинг, яхши билан ёмоннинг, дўст билан душманнинг фарқига бормай қоламиз.

Ниёзмандлар муқаддас жойларга бежиз зиёратга бормайди. Доим у руҳан ўзини поклаб, шундан куч олиб яшайди. Маҳалла ҳам, жамият ҳам худди шундай. Покланиш кўнгилни нурга белайди, эзгу ниятга қанот беради. Покланишда ҳикмат кўп...

Мана, ҳамкасбимиз Жаббор Раззоқов "Ҳуррият"нинг ўтган сонида "Ўзкитобсавдо" ДАК муҳим ижтимоий-сиёсий китобларни, бадиий адабиётни жойларга етказиб бера олмаётгани, машаққат билан чоп этилган асарлар нашриёт омборларида қолиб кетаётгани, бутун бир пойтахтда "Шарқ зиёкори"дан бошқа тузукқуруқ китоб дўкони йўқлиги ҳақида куюниб ёзибди.

Бу — кишиларимизни маънавий қашшоқликка маҳкум этиш, дегани эмасми?! Шуни ҳаммамиз кўриб-билиб турамиз, аммо айтишга истиҳола қиламиз. Ҳолбуки, гап ўғилқизларимизнинг маърифий тарбияси ҳақида бормоқда.

Чоп этилаётган китоблар, газета-журналлар, уларнинг савияси ва ўқувчига ўз вақтида етиб бориши эл назарида турмоғи лозим. Бунга ҳар биримиз масъулмиз. Уйимизга нима кириб келаяпти? Ўғилқизимиз нимани ўқияпти? Бунга лоқайд қараш мумкинми?!

Ҳар бир нарсани ўз номи билан аташга ўрганишимиз керак!

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг бир фикри хаёлимдан ўтади. Журналист ҳамма нарсани ўқувчига баён этиб бермаслиги, балки уни мушоҳадага ундаб ёзиши лозим, деб уқтирган эди у киши. Одамлар фикрлаб яшасин! Нимага десангиз, замонлар ўтади, аммо халқ абадий яшайди. У қанча теран мушоҳада юритса, қанча қурашчан бўлса, кишилик жамиятидаги ўрни шунча мустаҳкам бўлади...

НАФАСИНГ ҚИЛИЧДАЙ КЕСИБ ТУРСИН...

Элнинг назари ва нафаси доим қиличдай кесиб турмоғи лозим. Унинг барометри эса элнинг иммунитетидир.

Биз томонда, саксонинчи йилларда бир бадмазҳаб кимса ҳар қандай одамнинг нафратини қўзғайдиган пасткашлик қилган. Шу кундан эътиборан кўни-кўшни у билан алоқани узган, одамлар тўй-маъракага айтмай қўйган. Ахийри, у собиқ синфдошлари гаштагига суқилиб кирган, шунда бир чапани йигит: "Тур, йўқол! Ўтиришни ҳаром қилма, биз сендан ҳазар қиламиз!" — деган. Алал-оқибат, ўша кеча у уйини бузиб, унинг ёғочини ва кўч-кўронини олиб кўчиб кетган.

Эл-юрт нафрати шундай кучли. Унинг қаҳрига учраган одам ситилиб орадан чиқиб кетади.

Бир мисол. Биласиз, Элликқалъа тумани қип-қизил саҳро қўйнида тузилган. Машаққатли меҳнат билан у ям-яшил воҳага айланган. Айниқса, Бўстон шаҳарчаси одамнинг ҳавасини келтиради.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари. Олимбой Примов туман раҳбари. У киши менга шаҳарчадаги бир-биридан кўркам уйларни, шинам ва ораста кўчаларни, тумандаги янги қурилишларни кўрсатиб, ички бир қониқиш билан изоҳлаб берди. Кейин мен у кишидан сўрадим.

— Олимбой ака, очиғини айтинг, шунча ишга маблағни қаёқдан оласиз?

— Очиғини айтсам, йил охирида Совминда ўзлаштирилмай қолган маблағ бўлади. Шуни беринглар, десам, беради. Бўлмаса, у "кесиб" ташланади. Мен уни олиб ишлатаман, одамларга ссуда қилиб бераман, бир хил андозада уй-жой қурдираман...

— Ахир, бу — мақсадли пулни бошқа мақсадга ишлатиш-ку! Очилиб кетса, нима бўлади?

— Нима қилай? Бошқа йўл йўқ, ука! Очилса, қамашади. Аммо бу шаҳарчани, қурилишларни, йўлларни кўтариб опкетмайди-ку! Қолади, шу халққа!..

Чиндан ҳам шундай бўлди. Уни "ўзбеклар иши" бўйича қамашди.

Орадан кўп йиллар ўтгач, тўқсон саккизинчи йил бўлса керак, яна Элликқалъага йўлим тушди. Бўстонда Санъат саройи, академик лицей, Ақчакўлда "Артек"ка ўхшаш болалар оромгоҳи қурилаётган экан. У ҳам Примовга ўхшаб, туманни айлантириб, кўп-кўп қурилишларни кўрсатди. Шунда мен ўша йиллардаги ҳокимдан сўрадим:

— Ҳозир ўтиш даври қаёқдан қилаяпсиз, бунча қурилишни?!.

— Биринчидан, ҳукумат дастури бўйича, иккинчидан, ўлар жойда эмасмиз, қурилиш қиламан, деган одам имкон топа олади. Учинчидан, биласизми, Элликқалъада қўл қовуштириб ўтирган раҳбарга одамлар кун бермайди! — деди ва ҳокимликка келиш тарихини айтиб берди. — Ўшанда ҳокимлик тизимига энди ўтилаётган пайтлар эди. Кенгаш раисининг ҳисоботи тинглангач, ҳоким сайланиши керак. Келсам, мажлислар зали олдида беш-олти оқсоқол турипти. Улар билан сўрашдим. Кейин ёши улуғи мени залга бошлади. Эшикдан киргач, кўрдингми, деди ҳайъатга ишора қилиб. Қарасам, тўрда Олимбой Примов ўтирибди. Яқинда қамоқдан чиқиб келган. Ҳайрон бўлдим. Шунда оқсоқол изоҳ берди. — Гап бундай, Аминбой! Биз Кенгаш раисига жавоб бердик! Унинг ўзи ҳам, ҳисоботи ҳам ҳеч кимга керак эмас! Шунча йил ишлаб, бир ниҳол экмади! Эсиз умр, эсиз вақт! Қуйиб кетди! Бу сенга сабоқ бўлсин! Яхши ишласанг, иззат кўрасан, уйларнинг, мажлисларнинг тўри сеники, ана, Примовга ўхшаб ўтирасан! Агар, ишламасанг, ўзингдан кўр!..

Одамлар яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам унутмайди. Қолаверса, мана шу қатъият сабаб — Элликқалъа бошқаларга нисбатан жадал илгарилайди. «Устозга эҳтиром» ҳайкали кўрк бағишлаб турган бу заминда бугун ҳам эл назаридаги ёшуллилар туман ҳокими Неъматилла Худойбергановга мадад бўлишмоқда.

Кўриниб турибдики, бообрў оқсоқолларнинг маҳаллага таъсири беқиёс ўрин тутади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари маҳалланинг маърифий аҳамиятини улуғлаб: ***"У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жойжойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Энг зўравон, маниаман деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида ювош бўлиб қолади",*** — дейди. Бу хислат асрлар давомида шаклланган. Ҳамма замонда ҳам покиза одам эл назаридан қолмасликка интилган. Халқимиз шунинг учун: "Бир болага етти маҳалла — ота-она", — дейди. Буни сезиб, ҳис қилиб яшаш муҳимдан муҳим...

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий:

Эл қочса бировдин
эл ёмони бил они,
Аҳволида идбор нишони
бил они, — *дейди.*

Яъни, кимдан эл ўзини олиб қочса, ўша кимса элнинг ёмонидир. Бундай бўлишлик бахтсизликнинг белгисидир.

Эл ҳамма нарсани кўриб-билиб туради. Ва ҳар бир хатти-ҳаракатга холис ва одилона баҳо беради. Бугун у кимдандир нафратини яширса, шундай қолиб кетади, деб ўйлаш хато. Эртага албатта ошкор этади ва унинг нафрати қуйдиради.

Мудом эл назарида туриш осон эмас, албатта. Аммо бу — улуғ мартаба. Инсонни ўз оиласи, яқинлари ва эл-улус орасида доим баланд тутиб туради. Одамларга яхшилик қилиб яшашга ундайди ва бу ҳаёт мазмунига айланади.

Илоҳим, ҳеч кимни эл назаридан қолгулик қилмасин!

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Ёш журналистлар ўқуви

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий матбуотимизни изчил ривожлантириш, унинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш билан бирга, кадрларнинг касб малакаси ва салоҳиятини юксалтиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўтказаётган "Ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши" лойиҳаси ҳам айни эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Лойиҳанинг навбатдаги босқичида иштирок этиш учун Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятида меҳнат қилаётган ёш журналистлар Тошкент шаҳрига таклиф этилди. Мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарлардаги газета ва журналларда ишлаётган ёш журналистларнинг касб малакасини ошириш, марказий нашрлар тажрибасини ўрганишига яқиндан кўмаклашиш, ижодкорлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатишга имкон яратишдан иборат. Ўтган вақт мобайнида икки юз нафардан ортиқ ёш ижодкор ушбу лойиҳада қатнашиб, ўз касб маҳоратини оширди. Лойиҳа доирасида улар томонидан кўплаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларга бағишланган таҳлилий мақолалар тайёрланди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ўтказилган учрашув, амалий-ўқув семинарда иштирок этдилар. Айни пайтда ёш журналистлар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, мамлакатимиздаги етакчи босма ва интернет нашрлар фаолияти, иш тажрибаси билан танишдилар. Он-лайн журналистиканинг тараққиёти ва истиқболлари, ахборот агентликлари фаолияти, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда медиа соҳанинг асосий вазифалари каби мавзулардаги маърифий анжуманлар ва семинарлар ёш журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Тадбир

Ҳаётбахш қарор ижросига бағишланди

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "ОАВга берилаётган қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар: ахборот соҳасига бозор муносабатларини жорий этишнинг муҳим омили" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, марказий ОАВ ходимлари ва малака ошириш доирасида Қашқадарё ҳамда Сурхондарёдан ташриф буюрган журналистлар иштирок этди.

Тадбирда ўтган йили 30 декабрь куни Президентимизнинг "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлари бериш тўғрисида"ги қарорида белгиланган ОАВ, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш, бунинг асосида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ахборот соҳасини ривожлантиришдаги ролини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби масалалар муҳокама этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг мантиқий давоми бўлиб, мамлакатимизда ахборот соҳасини янада ислоҳ қилиш ва ушбу концепция мақсадларини амалга ошириш доирасида сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига кўрсатилаётган улкан эътиборнинг навбатдаги ёрқин намунасидир, — дейди жамоат фонди раиси Абдулазиз Абдуллаев.

Анжуманда, шунингдек, ахборот олиш, тарқатишга оид эркинлик ва ҳуқуқларни амалга ошириш каби таркибий қисмларни ўз ичига қамраб олувчи ахборот соҳасидаги фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлаш вазифаси Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосини ташкил этиши алоҳида таъкидланди.

Тадбир иштирокчиларининг яқдил фикрига кўра, мазкур қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, ОАВ иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, таҳририят, нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш, матбаа корхоналарини модернизация қилиш жараёнларини жадаллаштириш, матбаа маҳсулотларининг хориж бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, соҳа ходимларининг даромадларини ва моддий фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Буларнинг барчаси ОАВларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлароқ намоён қилишига ёрдам беради.

Ўз мухбиримиз

Мустаҳкам оила сабоқлари

Эшмат ака 20 йилдан ошиқ муддат вилоят матбуот бошқармасига етакчилик қилди. Шу муддат ичида ҳудудда матбуот соҳасини ривожлантириш учун кўп хайрли ишларни амалга оширишга улгурди. Чунончи, республикада биринчилардан бўлиб ўша давр учун янгилик саналган офсет усулида нашр ишларини бажарадиган ускуналарнинг ўрнатилишига, тўрт қаватли "Матбуот уйи"нинг барпо этилишига бош-қош бўлди. Энг муҳими, ҳамкасблари орасида талабчан раҳбар, меҳрибон, олижаноб инсон сифатида ҳурмат-эътибор қозонди.

Матбуотнинг "нони"...

Одамларга муомалада, ишга муносабатда, ҳатто рўзғор тутиш-оила бошқаришда ҳам ота ибрати бир олам хазина. Эшмат ака нафақат яхши матбуот ходими, балки мустаҳкам бир оила сарбони, мустақил Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшаётган ажойиб фарзандлар отаси ҳам эди. Бугун уларнинг ҳар бири ота изидан бориб, эл-юрт хизматига камарбаста бўлишмоқда.

Тўнғич фарзанд Гулбаҳор Тангирова "Народное слово" газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича ўз мухбири, "Заря Сурхана" вилоят газетасининг бош муҳаррири, "Олтин қалам" мукофоти соҳибаси. Бугун унинг ўзи ҳам ажойиб бир оила бекаси, тўнғич ўғил Тошкент тиббиёт академиясини тугатаяпти, қизлари инглиз тили бўйича олий маълумотли педагог, кенжа ўғил бўлажак иқтисодчи.

Жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб аталиши халқимизнинг минг йиллик оилавий анъаналари ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритишимизга сабаб бўлди. Бу қадимий анъаналарни эса аввал Эшмат Тангировдек устозлардан ўрганишимиз лозим. Гулбаҳор билан бўлган суҳбатимиздан кўзланган мақсад ҳам шу эди:

— Отам ёлғиз ука билан ота-онадан етим бўлиб қолганида етти ёшда бўлган экан. Янгиариқ билан Термизнинг ораси 12 километр, Термиз педагогика билим юртида ўқиётган 14 ёшли ўсмир қоронғи қиш тонгларида ҳам шунча йўлдан ўқишга пиёда қатнаркан. Кичкинагина оила — кекса, касалманд момо, ука масъулияти туфайли бир кеча ҳам ётоқхонада қолмас экан.

Отам юксак маънавиятли, зиёли инсон эди. Шу боисми, онам бошлиқ бутун оила отамнинг кўнгли учун, у кишини хурсанд қилиш учун астойдил ҳаракат қилардик. Ўз навбатида отам эшикдан кириши билан онамни сўрарди. Онам бир умр мактабда ишлаган. Баъзан мажлис бўлиб, баъзан ўқувчиларининг уйига борибми, ишдан кеч қолса, отамнинг кайфияти тушиб кетарди. Дастурхонга ҳам қарамай, газета ўқиб ўтирарди. Онам келиши биланоқ чеҳраси очилиб, дастурхонга ўтирар, ишлари ҳақида, газеталарда чиққан мақолалар ҳақида завқ-шавқ билан гапириб берарди.

Отамнинг маош олганини уйга келадиган даста-даста китоблардан билардик. Ўзларига, онамга ва бизнинг ҳар биримизга қизиқишимиз, ёшимизга қараб, алоҳида-алоҳида китоблар олиб келар эди. Юқори синфга ўтганимиздан сўнг ўзи ўқийдиган китобларни ҳам тавсия қиладиган бўлди: "Жуда яхши китоб экан, бир ўқиб кўр-чи!" Маълум вақт ўтгач, албатта, ўша китоб ҳақидаги фикрларимизни сўрарди.

Вақти келиб, журналистика касбини танлаганимни эшитиб, отам ҳам хурсанд бўлди, ҳам чуқур ўйга толди. Сўнг менга юзланиб: "Газетачилик осон иш эмас. Тунги навбатчиликлари бор, вилоят бўйлаб сафарларда юришинг керак. Турмуш қурсанг, қийналмасмикансан? Ахир, оиланинг ҳамма масъулияти аёл кишининг зиммасида бўлади. Қайнона-қайнота, эр, болалар хизматидан ортиб, матбуотнинг нонини ейиш осон эмас. Яна ўзинг биласан, кўнглингга қулоқ сол, эплайман, десанг, касбларнинг энг аълоси — журналистлик" деди...

Талабалик давримда ўқишимни қаттиқ назорат қилардилар: "Ҳар бир дақиқангдан унумли фойдалан. Пойтахтдасан, таҳририятлар кўп, тез-тез бориб тур, малакангни ошир. Отам бошқарманинг бошлиғи, бир диплом олиб келсам бўлди, деган хаёлга борма. Ҳамиша ўзингга, билимингга суян".

Ҳа, ота-онам фақат ва фақат ўзига суянмоқни бизга болаликдан ўргатишганди. Онам синф раҳбаримиз эди. Бир сафар нимадир сабаб бўлиб, онамнинг фанидан дарс тайёрлаёлмай бордим. Кўпинча дарс қилмай келган болаларга "Эртага сўрайман" деб ўтирғизиб қўярди. Менга эса шеърни ёдламай келганим учун "2" баҳо қўйди. Бу менинг ҳаётимдаги ягона "2" эди.

Болаларимга ҳам шундай ўргатдим. На отаси, на мен ҳеч қандай масалада уларнинг орасига тушмаймиз.

"Заря Сурхана" газетасига ўтаётганим ҳам отамга унча ёқинқирамади: "Катта газета, молиявий ночор... Ахир, сен аёл кишисан, оиланг, фарзандларинг бор. Қийналиб қолмагин яна".

Газетага ўтганимдан кейин кўп нафлари тегди.

Вақт-соати етиб, уйимизга келин келди. Отам билан онам келинларини жуда эҳтиёт қилишарди. Айниқса отам. Биз — қизлар, рости, бизга аталган меҳр ва эътибор бўлинганидан бироз рашкимиз ҳам келарди. Аммо бир кун келиб, ўзим ҳам келин бўлдим, келин олдим... Отам билан онам ўшанда нечоғли тўғри қилганини ҳам ана шунда тушуниб етдим. Янги оилага келин бўлиб тушган навниҳол қиз учун атрофдагиларнинг меҳрли муносабати унинг шу оилада туп қўйиб, палак ёзишида катта аҳамиятга эга экан. Шунинг учун ҳам отам билан онам ойу қуёш бўлиб келинларининг бошларида парвона бўлган экан.

Қизимиз мактабга илк бор ўқитувчи сифатида ишга борганида бир куни бобосига болалардан нолибди. "Болалар каттачиликни ёқтирмайди. Сен уларга меҳр бер, уларни ўзингга яқин дўст, деб бил. Уларнинг ўрнига ўзингни қўйиб кўр, ўзинг қайси ўқитувчингни яхши кўрардинг ва қайси фазилатларини? Шуларни таҳлил қил-да, ишни шу асосда ташкил қил", дебди бобоси.

Ҳозир қизимнинг синфида умуман иккичи бола йўқ.

Отам нафақага чиққанларидан кейин ҳам ҳаётларини бир кун ҳам матбуотдан айро билмади. Соғлиқлари бўлмаса ҳам тез-тез "Матбуот уйи"га келиб турарди. Янги газетани қўлларига олса, юзларига босиб, ҳузур қилиб ҳидлар эди: "Худди нон исидек ёқимли ва қадрдон!"

Сўнгги дам... "Аҳил бўлинг, болаларим" — бу отамнинг сўнгги гаплари, васиятлари эди. Аҳиллик нималигини яхши биламан, деб ўйлардим. Чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрсам, аҳилликда гап кўп экан. Падари бузрукворимдан айрилган ўша кунларда бу улуғ сўзнинг янги жиҳатларини кашф этдим. Аҳиллик — бу бирдамлик, бу меҳр, бу далда, бу бахт экан. Аслида жами яхшиликларнинг онаси аҳиллик экан...

***

Икки ҳамкасаба кўзларимиз ёшлана-ёшлана узоқ хотираларга берилдик. Ҳақиқатан ҳам, яхши инсонларнинг ҳаёти, ибратли сўзлари умрнинг паст-баланд сўқмоқларида баъзан юлдуздек йўлингни ёритса, баъзан ҳассадек тиргак бўлади. Хусусан, оила бошқариш, рўзғор тутишда ҳам...

Жамила ЭРГАШЕВА

Нашр

Инсон ҳуқуқлари тарғиботчиси

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" илмий-маърифий журналининг навбатдаги сонидан ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, давлатимиз сиёсий тизимининг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлари каби мавзулар ўрин олган.Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоевнинг "Мустақил тараққиёт йўлимизнинг ишончли кафолати" мақоласида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари умумюридикция судлари томонидан ҳимоя қилинаётгани атрофлича ёритилган.

Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети декани Равшан Икромовнинг мақоласи ҳам долзарб мавзуни қамраб олган. Ўзбекистонда оммавий (ижтимоий) ҳаракатлар томонидан инсонларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, уларни ёш авлод онгига сингдириш масалалари ўртага ташланган. Бундан ташқари, Анвар Усмоновнинг "Қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни мустаҳкамлаш", Басанда Жалилованинг "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш — тараққиётнинг муҳим шарти", Муҳаммадкарим Йўлдошевнинг "Жазони ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини текшириш ҳамда назорат қилиш" сарлавҳали мақолаларида таҳлилий фикрлар, мулоҳазалар билдириб ўтилган.



Юртдошларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишларида, уларни англаб етиш, шунингдек, тафаккурларига чуқур сингдиришда "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" илмий-маърифий журнали муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Давронбек ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири

«Кетманг, отажон!»

Ёзувчи Шодмон Отабекнинг шу номдаги пьесаси Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек драма театри саҳнасида қўйилди. Театр жамоаси таниқли ижодкорлар — Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва Мирпўлат Мирзо, Илҳом Зоир асарларини илгари ҳам томошабинларга тақдим этган эди.

Шодмон Отабекнинг мазкур янги драмаси томошабинларга манзур бўлди. Фарзанд тарбияси ва келажаги, оила мустаҳкамлиги учун аввал ота-она масъул эканлиги спектаклда таъсирчан ва изчил талқин этилган.

Спектаклни театр актёри Саидкарим Маҳмудов саҳналаштирган. Актёрлар — Одилжон Тўғонбоев, Рустам Саидҳўжаев, Жавлон Саидов, Сарвиниса Рўзиматова, Венера Нишонбоева, Зулкарам Тўғонбоевалар асар қаҳрамонлари қиёфасини ўз истеъдодлари даражасида маромига етказиб оча олганлар.

Ҳ. ҚЎЧҚОРОВ

Газетани доимо биринчи саҳифасидан бошлаб охиригача синчиклаб ўқиб чиқаман. Бу мен учун хаёллар оғушида, мўъжизалар оламида қолишнинг ягона усулидир.

А. Беван

Дараклар

УЙҚУГА ҚАРШИ УЗУК

Шу кунгача уйқуни бартараф этувчи кўплаб қурилмалар ихтиро қилинган. Бу каби янгиликлар узоқ сафарларда бўладиган ҳайдовчиларни, диспетчерларни, қоровулларни азалдан қизиқтириб келади.

Барча мосламаларнинг ўхшашлик жиҳати шундаки, улар ухлаётган кишини уйғотади. Ваҳоланки, олимлар кишини уйғотиш ўрнига, унинг ухлаб қолиши олдини олиш афзалроқ, деб билишмоқда. Негаки, уйқунинг илк дақиқаларида ҳам ҳалокат содир бўлиши мумкин. Ана шундай ихтирони математик Александр Левенштейн Россия фанлар академиясининг психология институти ишланмаси асосида яратди.

Икки бармоққа тақиладиган бу узук инсон хатти-ҳаракатлари сустлашаётган бир пайтда, унинг уйқуга кетишидан бир неча дақиқа олдин ўзидан огоҳлантирувчи зириллаган товуш чиқаради. Бироқ оғирлиги 40 граммни ташкил этувчи узукнинг ихчамгина аккумулятори ҳар 15 соатда қувватланиб туриши лозим.

БИР ЙЎЛА 6 ТА АЪЗО АЛМАШТИРИЛДИ

Бостон штатидаги болалар касалхонаси шифокорлари тиббиёт ўқув қўлланмасидан жой олиши кутилаётган операцияни бажаришди. Аллана Шевенелл исмли қизнинг бир йўла олтита аъзоси — ошқозон, ичак, жигар, талоқ, қизилўнгачнинг бир қисми ва ошқазон ости бези алмаштирилди. Эътиборлиси, ушбу инсон аъзоларидан бири — қизилўнгач дунёда илк марта кўчириб ўтказилди.

Саркома хасталигининг кам учрайдиган тури жуда катта ўсимтага айланиб, бемор қизнинг ички аъзоларига зарар етказган эди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун умид қолмагач, жарроҳлар таваккал қилишга жазм этишди. Ва... жарроҳлик амалиёти муваффақиятли якунланди. Айни пайтда Аллананинг соғлиғи секин-аста тикланмоқда.

— Қийин бўлса-да, биз охиригача умидимизни узмадик, назаримда, қизимизга мос келувчи бир эмас, олтита донор аъзо топилгани мўъжизанинг ўзи, — дейди қизнинг бувиси Деби Сколас.

ЁЛҒОНЧИ ВАЗИР ИШДАН БЎШАТИЛДИ

«Sky News» нашрининг ёзишича, Буюк Британиянинг энергетика ва иқлим ўзгариши ишлари бўйича вазири Крис Хьюн полицияга ёлғон кўрсатма бергани фош этилгач, ишидан бўшатилди.

Хьюн автомобиль тезлигини оширгани учун тўхтатилганида, рулда унинг турмуш ўртоғи Прайс хоним бўлганини айтиб, полиция ходимларини алдаган. Бу воқеа 2003 йил Хьюн ҳали Европарламент депутати сифатида ишлаб юрганида содир бўлган.

Ёлғончи вазир хотини билан ажрашганидан сўнг бир қанча вақт ўтиб, яъни 2011 йилда Прайс хоним бу воқеа ҳақида «The Sunday Times» газетасига берган маълумотлар полицияни қизиқтириб қўйди. Хабарларга қараганда, 8 ой давом этган тергов ишидан сўнг суд Хьюн ва Прайсни қонунни бузганликда айбдор деб топган. Ҳозирда уларга умрбод қамоқ жазоси хавф солмоқда. Британия тарихида шу кунгача юқори мартабали сиёсатчиларга нисбатан бундай жиддий айб қўйилмаган эди.

Хьюн ўз айбини инкор этиб, суддан ҳақиқатни қарор топтиришни талаб қилмоқда.

ЎҚ МЎЛЖАЛНИ ЎЗИ ИЗЛАБ ТОПАДИГАН БЎЛДИ

АҚШнинг Сандия халқаро лабораториясида лазер нури орқали йўналтирилувчи ўқ яратилди. Янги ихтиро полигонда бир қатор синовлардан ўтиб, шубҳасиз, нишонни бехато ура олишини исботлади. У кичик колибрли, силлиқ стволли ўқ отадиган куролларга мўлжаллаб ишланган.

Бехато нишонга тегадиган ўқ лойиҳасига ов қилишни ёқтирадиган олимлар Ред Жонс ва Брайн Каст бошчилик қилмоқда. Ҳозирда олимлар лойиҳани ниҳоясига етказиш ва юқори сифатли ўқларни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун хусусий сармоядор излашяпти. Ихтирога АҚШ мудофаа вазирлиги, махфий хизмат ташкилотлари ва овчилар қизиқиш билдиради, деб тахмин қилинмоқда.

Олимларнинг тушунтиришича, узунлиги 10,2 сантиметрни ташкил этадиган ўқнинг бош қисмига оптик сенсор жойлаштирилган. Қуролдаги 8 битли чип ва бошқарилувчи электроника ана шу сенсордан келадиган сигнални илиб олиб, унинг парвозини кўрсатилган нуқтага йўналтиради. Отилган ўқнинг учиш траекториясини дақиқасига 30 марта нишонга тўғрилаш мумкин.

Маълумотларга қараганда, янги ўқ-дори 2 минг метр узоқликдаги нишонни бехато уришга қодир. Шунингдек, патрон қисмидаги замонавий милтиқдон ўқнинг бошланғич тезлигини соатига 2,4 минг километргача етишини таъминлайди.

Шарҳ

Иқлим ўзгариши оқибатлари

Европадаги қор бўронлари ва совуқ ҳаво қурбонлари сони 200 нафарга яқинлашиб қолди

Деярли 10 кундан бери Европани ўз қаҳрига олган аёз сабаб қурбонларнинг сони ошиб бормоқда. Шу ўринда кўпроқ Шарқий Европа давлатлари талофат кўраётганини таъкидлаш жоиз. Гидрометеорологлар эса «кўҳна қитъа»да иссиқ кунлар бошланишига ҳали анча вақт борлигини бот-бот эслатиб турибди. Демак, синовли кунлар ҳали олдинда.

Об-ҳавонинг бу қадар кескин пасайиб кетишига «Сибирь ҳаво босими» номи билан машҳур об-ҳаво ҳодисаси сабаб бўлмоқда, деб қаралмоқда. Осиёда ҳукмронлик қиладиган юқори босимли ҳаво шундай номланади. Бундай юқори совуқ ҳаво босими одатда, Байкалда ҳосил бўлиб, ғарбда Италиягача, жанубда Малайзиягача етиб боради. Бироқ бу йил Сибирь антициклони жуда кенг ҳудудларни қамраб олди.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, энг мураккаб аҳволга Украина тушиб қолган. Бу ерда ҳаво ҳарорати -30 градусгача тушиб кетган. Биргина аёз бошланган 3 февраль куни совуқдан 38 киши, бир ҳафтадан бери эса 100 нафардан ортиқ инсон ҳаётдан кўз юмган. Мингдан ортиқ фуқаролар касалхоналарга ётқизилган бўлса, ўн минглаб, асосан, уйсиз кишилар ёрдам сўраб ҳукуматга мурожаат қилган. Натижада Украина Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мамлакатнинг уч мингдан ортиқ нуқтасида уйсизларнинг исиниши ва бепул овқатланиши учун махсус марказлар ташкил этган. Гарчи дам олиш кунлари кун бироз исиганига қарамай, душанбадан бошлаб қаҳратон совуқ яна ўз измига қайтди. Украина ҳукумати мактаб ва коллежларда вақтинчалик ўқишни тўхтатиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги эса шифохоналарга уйсиз беморларга жавоб бермаслик топшириғини берган. «Интерфакс» агентлигининг хабарига кўра, Россияда январь ойининг ўзида совуқдан 64 киши ҳалок бўлган.

Шарқий Европанинг яна бир мамлакати — Польшада бир ҳафта мобайнида 30 киши бевақт дунёдан кўз юмди. Мамлакатнинг жануби-ғарбий минтақаларида тунги ҳаво ҳарорати -30 градусдан пастга тушмади. Совуқ уришидан 5 киши қурбон бўлган Чехияда эса бироз бўлса-да, кун исиши кузатилмоқда.

Европа жанубидаги давлатлар ҳам кутилмаганда табиатнинг мана шундай "инъоми"га дуч келаётир. Бунинг натижасида, масалан Болгарияда ҳам мактабларни ёпишга тўғри келди. Рекорд даражадаги совуқ ҳарорати ҳамон мамлакатнинг ўнлаб шаҳарларида ҳукмронлик қилмоқда. Сербияда эса тоғли қишлоқлардан бирининг 11 мингдан зиёд аҳоли пунктлари билан транспорт алоқаси узилиб қолди. Йўлларни беш метр қалинликдаги қор босди. Мамлакатнинг энг чекка ҳудудларига озиқ-овқат маҳсулотлари вертолётларда етказиб берилмоқда.

Жума кунидан бошлаб Италияда дастлабки қурбонлар ҳақида маълумотлар пайдо бўла бошлади: Миланда уйсиз киши музлаб қолган бўлса, Пармада пенсионер юрак хуружидан вафот этди. Римда эса 20 йилдан бери кузатилмаган кучли қор ёғди. Венецияда минтақа учун ғайриоддий саналган аёз оқибатида сув иншоотлари музлаб қолди. Шаҳарнинг катта ёшли аҳолиси 80 йилдан бери бундай манзарага гувоҳ бўлишмаганини таъкидлашмоқда. Шунингдек, Франция йўлларини ҳам қор қоплаган. Кўчаларда тиқилиб қолган автомобиллар узунлиги бир неча километргача чўзилган. Полиция йўл-транспорт ҳодисаларини рўйхатга олишга улгурмаётгани хабар қилинмоқда.

Аҳолиси бундай аёзга кўникмаган Испанияда эса фавқулодда хизматлар кутилмаган ҳавфга қарши курашиш учун тайёр ҳолатга келтирилди. Германияда қор бўронлари транспорт алоқасини издан чиқаргани ҳолда, икки нафар инсоннинг умрига зомин бўлди.

Боснияда қутқарувчилар мураккаб шароитда ишлашмоқда. Мамлакатда бир дақиқа бўлсин, қутқарув жараёнлари тўхтамаяпти. Фавқулодда хизматлар қор босиб қолган автомобиль ичидаги ҳайдовчиларни чиқариб олиш учун вертолётлардан ҳам фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Қор бўронлари давом этаётгани туфайли Сербия расмийлари 5 февраль куни мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишга мажбур бўлди. Қаҳратон қиш таъсири сайёрамиздаги энг иссиқ ўлкалардан ҳисобланган Ливияни ҳам четлаб ўтмади. Айниқса, Гарьян шаҳрининг кўчалари қор уюмлари исканжасида қолди.

Аксарият мутахассислар Ер шарининг экотизими емирилиш арафасида турганини эътироф этиб, агар зудлик билан зарур чоралар кўрилмаса, дунё аввал кузатилмаган кенг миқёсли қурғоқчилик ва сув тошқинлари, вайронкор довуллар, юқумли тропик касалликлар, ҳарбий можаролар ва мислсиз миграция таҳдидларига дучор бўлиши мумкинлигини такрорлай бошладилар. Буларнинг барчаси экологик хавфсизликни таъминлаш, глобал иқлим исишининг олдини олиш масалалари инсоният олдида турган энг нозик, таъбир жоиз бўлса, ҳаётмамот масаласига айланиб бўлганлигини кўрсатмоқда.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

ФИЛИППИНДА ЗИЛЗИЛА

«France-Presse» тарқатган маълумотларга қараганда, 6 февраль куни Филиппинда бўлиб ўтган зилзила 43 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Зилзила маркази Негрос ва Себу ороллари оралиғидаги бўғозга тўғри келиб, унинг кучи 6,8 баллга етди.

Ер ости силкиниши натижасида кўплаб бинолар қулади, йўл ва кўприкларга шикаст етди, энергия таъминоти ишдан чиқди. Айниқса, Негрос оролидаги Гуйхулнган шаҳри катта талафот кўрди. 39 киши вайроналар тагида қолиб, жароҳатланганларнинг сонини аниқлашнинг иложи бўлмади. Қутқарув ишларига миллий полициянинг кучайтирилган бўлими ҳамда ҳарбий қисмлар жалб этилган.

Табиий офат содир бўлишидан бир неча кун олдин мамлакат сейсмологлари зилзила натижасида цунами юзага келиши ҳақида тахмин қилишган, аммо кейинроқ бу хавф ўринли эмас, деб баҳоланган эди.

ХИТОЙ КОМПАНИЯЛАРИ СОЛИҚ ТЎЛАШДАН БОШ ТОРТДИ



«Синьхуа» ахборот агентлиги берган маълумотларга қараганда, Хитой ҳукумати Европа Иттифоқи ҳудудидаги ўз авиакомпанияларини «иссиқхона гази» учун солиқ тўламасликка чақирди. ЕИ ҳудудидаги чет эл компаниялари учун ушбу экологик солиқнинг жорий этилиши халқаро меъёрларга тўғри келмаслиги таъкидланмоқда.

Маълум бўлишича, ЕИ ҳудудида жойлашган Хитойга қарашли авиакомпаниялар йилига мазкур солиқ турига 125 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тўлаши керак. Бу янги солиқ тури 2010 йил бошида жорий этилган. Шу кунгача 20 га яқин мамлакатлар, шу жумладан, Ҳиндистон, Россия ва АҚШ ЕИнинг ушбу қарорига норозилик билдирган, аммо бу ҳеч қандай натижа бермаган.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Хориж матбуоти саҳифаларида

«HNonli.sk» газетаси (Словакия)

ЕВРОПАГА ЯНГИ ТАҲДИД

Ҳафта бошида газета мухбири Нина Клусова имзоси билан чоп этилган мақола Европа аҳолиси кайфиятига таъсир этмай қолмади. Гап шундаки, энди Европани табиий газ ёқилғиси билан боғлиқ муаммолар ўз гирдобига торта бошлади.

Мақолада ёзилишича, кейинги кунларда об-ҳавонинг кескин пасайиб кетиши натижасида Россия Федерацияси ҳукумати биринчи навбатда ўз аҳолисининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондиришини баён қилган. Европа эса бундан қаттиқ хавотирга тушмоқда. Хавотир ҳам асосли чиқиб қолди. Дам олиш кунлари Европа мамлакатларида газ босими камайиши кузатилди.

«Табиий газ — бу, айниқса, Россияда об-ҳаво совиб кетган вақтларда энг қимматли товарга айланади. Агар табиатнинг шу тахлит «қовоғидан қор ёғиб» тураверса, газ танқислигига мамлакат ичида ҳам ботбот дуч келиш мумкин», — дейди бозор маҳсулотлари таҳлилчиси Рональд Ижип. Шунингдек, у фикрини, агар совуқ иқлим сақланиб турса, Россия, Белорусь ва Украинада табиий газ танқислиги кузатилиши мумкин, деган мулоҳазалари билан давом эттиради.

«The Hindu» газетаси (Ҳиндистон)

АРКТИКА КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

«Истеъфодаги хитой ВМС контр-адмирали Инь Чжо шундай деган эди: «Арктика — барча одам авлодларига қарашли. Уни ҳеч бир миллат ўз қарамоғи остида сақлай олмайди. Шундай экан, Хитой ҳам қутб бойликларидан ўз улушига эга бўлиши лозим». Газетанинг душанба кунги сонида эълон қилинган, кўпчиликни ҳайратга солган бу мақола ниҳоясида журналист Шиам Саран имзоси турибди.

Дарҳақиқат, шу кунларда дунё матбуоти учун унча янги бўлмаган бу мавзу яна тез-тез қаламга олинмоқда. Шимолий Муз океани айланасида жойлашган беш мамлакат: АҚШ, Канада, Дания, Норвегия ва Россия Арктика кенгликларидан умидвор. Бу табиий ҳол. Мазкур қутбда дунё нефть ва газ захираларининг 40 фоизи жойлашган. Шунингдек, бу ерда рух, кумуш ва кўмир конлари ҳам жуда кўплаб топилади.

Шиам Саран мақолада асосий урғуни Ҳиндистоннинг Арктикадаги улушига қаратган. "Кўпчилик мутахассислар Ҳиндистон ҳам Хитойдан ўрнак олиши лозим, деган қарашларни ўртага ташламоқда. Аммо бу ўта калтабин сиёсат", — деб ёзади журналист. Дарвоқе, Ҳиндистон Арктика кенгаши назорати таркибидаги давлатлар қаторига кириш учун ариза берган. Бу масала атрофлича муҳокама талаб қилади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу Кенгаш 1996 йили ташкил этилган бўлиб, бугунгача унинг 8 та аъзоси бор. Булар — АҚШ, Канада, Россия, Норвегия, Дания, Швеция, Финляндия ва Исландия. Шунингдек, Кенгашнинг Буюк Британия, Франция, Нидерландия, Польша ва Италиядан ташкил топган бешта назоратчиси ҳам бор. Кейинги йилларда эса Арктика кенгаши фаолияти билан Бразилия, Хитой, Япония ва Жанубий Корея каби етакчи мамлакатлар ҳам қизиқа бошлади.

Халқаро ҳамжамият Ҳиндистонга бундай ҳуқуқни берадими, йўқми, бу ҳозирча номаълум. Аммо мамлакат расмий вакиллари бу ишга астойдил бел боғлаган кўринишади. Чунки бутун дунё молиявий таназзул таъсирида яшаётган бир вақтда Арктика кўпгина давлатлар учун умид шуъласи бўлиб порламоқда.

«Rebelion» газетаси (Испания)

ЯНГИ ДАВР БОШЛАНАДИ



2011 йил апрель ойида Хитойнинг Сания (Хайнань провинцияси) шаҳрида БРҲХ (Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой) гуруҳи мамлакатлари етакчиларининг олий тоифали учрашуви бўлиб ўтган эди. Учрашув кун тартибида Жанубий Африка Республикасини иқтисодиёти ривожлаётган давлатлар блокига қўшиш масаласи кўриб чиқилган. Шу тариқа, юқоридаги тўртлик ўз сафига яна бир давлатни қўшишга ахд қилди. Натижада нафақат иқтисодий ривожланаётган, балки сиёсий барқарор янги полюс ҳукумати пайдо бўлди. Мутахассислар тахминича, ўн йилдан кейин уларнинг жами миллий маҳсулоти бугунги АҚШ гарданидаги маҳсулотларга тенг бўлади.

Ҳозирги вақтда БРҲХ гуруҳидаги давлатларда дунё аҳолисининг 40 фоизи яшайди. Улар улушига ер майдонининг 25 фоизи ва халқаро савдо айланмасининг 12,8 фоизи тегишли.

БРҲХ блоки ўз ривожланиш даражасини сақлаб қолиш учун қамровини кенгайтириши лозим. Шунинг эвазига у дунё шахмат тахтасида асосий донага айланиши кутилмоқда. БРҲХ ривожланиш доирасида анъанавий иқтисодий бақувват давлатлар билан рақобатга киришади. Шундай қилиб, БРҲХ давлатлари дунё етакчиларига айланмоқда, дейилади мақолада.

Улуғбек АСРОРОВ тайёрлади.

Адлия почтасидан

Ортиқча ундирилган маблағ қайтарилди

Вилоятимизда тадбиркорликка оид қонунларга риоя этилишига катта эътибор қаратилган. Шундай бўлса-да, айрим идора ва ташкилотлар қонунбузарликка йўл қўйиб, тадбиркор ҳуқуқини поймол қилиш ҳолатлари учраб турибди.

Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, биргина 2011 йил давомида адлия бошқармаси ўтказган ўрганишларда 7 мингдан ортиқ турли қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган. Уларни бартараф этиш мақсадида 202 та тақдимнома киритилиб, 410 киши интизомий жазога тортилди. Давлат бошқарув идораларининг 26 ноқонуний қарор ва фармойиши бекор қилинди. Шунингдек, тегишли муассасаларга 67 та маъмурий таклиф, 198 та огоҳнома, 41 та кўрсатма, 143 та даъво аризаси киритилди. Бу эса тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари тикланишига хизмат қилди.

Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик. Вобкент туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси ходимлари рўйхатдан ўтказиш йиғими миқдорини негадир «унутиб» қўйишибди. Акс ҳолда, «Бухоро Мобиль Сервис» хусусий корхонасини давлат рўйхатидан ўтказишда ортиқча 17 минг 217 сўм олинмаган бўлармиди?!

Когон туман ҳокимлигида ҳам шу аҳвол. Ҳокимлик ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясига «Умурбобо» хусусий фирмаси раҳбари Ф.Қурбонова таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги учун давлат рўйхатидан қайта ўтказишни сўраб мурожаат қилган. Қарангки, бунинг учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўлов тўланиши лозим бўлса-да, инспекция томонидан энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида, яъни ортиқча 24 минг 868 сўм тўлов ундирилган. Бу нимадан далолат беради: инспекциядагилар ўз ишларини яхши билишмайдими ёки?..

Юқоридаги ҳар икки ҳолат бўйича адлия бошқармаси томонидан судга даъво аризалари киритилди ва тадбиркорлик субъектларидан ундирилган ортиқча маблағлар ўз эгаларига қайтарилди.

Шу билан бирга, адлия бошқармасига тадбиркорлик субъектлари томонидан берилган ариза ва шикоятлар ҳамда «Ишонч телефони» орқали қилинган мурожаатлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланди.

Садриддин ЖЎРАЕВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан хорижий инвесторлар ва киритилаётган инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, ўтган йилги таҳлиллар натижасида учта корхона фаолиятидаги муаммолар бартараф этилди. Бунинг учун назорат қилувчи органларга бешта тақдимнома, еттита кўрсатма ва огоҳномалар киритилди.

Хорижий корхона ҳуқуқи ҳимоя қилинди

Ўшанда бошқармамизга хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналардан 22 та мурожаат келиб тушган эди. Улар атрофлича ўрганиб чиқилгач, судларга 57 та даъво аризаси киритилди ҳамда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари амалда тикланди. Жумладан, «Uzdunrobita» хорижий корхонаси вилоят филиали директори Э.Атаевнинг мурожаатида корхона томонидан «Alex» хусусий фирмасига база станциялари қуриб бериш учун аванс тариқасида тўлаб берилган 196 миллион 72 минг 311 сўмни қайтариб олишга амалий ёрдам бериш сўралганди. Маълум бўлишича, «Uzdunrobita» хорижий корхонаси вилоят филиали ва «Alex» фирмаси ўртасида тузилган пудрат шартномасига кўра фирма томонидан база станциялари учун комплекс қурилиш ишлари белгиланган муддатда амалга оширилиши лозим эди. Лекин «Alex» фирмаси негадир қурилиш ишларини умуман бошламаган.

Адлия бошқармаси «Alex» хусусий фирмасидан хорижий корхона фойдасига аванс пули ва маълум миқдорда пеня ундириб бериш тўғрисида Тошкент вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Шунга кўра, хўжалик суди хорижий корхона фойдасига ҳал қилув қарорини чиқарди.

Бунёд АЗИЗОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Бугуннинг гапи

Қиш ташвишлари

Ҳар фаслнинг ўзгача гашти, таровати бор. Айниқса, қишда ён-атроф янада гўзаллашиб, бутун борлиқ оппоқ қорга бурканади. Аммо унинг ҳам ўзига хос инжиқликлари мавжуд. Хусусан, қишда ёғингарчиликлар кўп бўлади, кўчалар, йўллар музлайди. Бу эса автомобиль ҳайдовчиларига қатор ноқулайликларни келтириб чиқаради, албатта.

Бу йилги қиш аввалгиларига қараганда анча қаҳрли келган бўлса-да, йўлларда транспорт ҳаракати билан боғлиқ ҳодисалар тахмин қилинганидан камроқ кузатилди. Рўйхатга олинган бундай кўнгилсизликларнинг содир бўлишига аксарият ҳолларда ҳайдовчиларнинг малакасизлиги, уқувсизлиги асосий сабаб бўлади. Тўғри, ҳатто кўп йиллик тажрибага эга ҳайдовчилар ҳам яхмалакда автомашина бошқариш чоғида маълум қийинчиликларга дуч келади. Бундан ташқари, қишки ёғингарчилик вақтида пиёдалардан ҳам ҳаракатланаётганларида ҳушёрликни оширишлари талаб этилади. Маълумки, музлаган йўлда транспорт воситасини кескин тўхтатишнинг имкони йўқ. Шу сабабли йўловчиларнинг транспорт оқими орасидан югуриб ўтиши мавжуд хавфни икки ҳисса оширади. Қолаверса, сирпанчиқ йўл пиёдалар ҳушёрлигига ўз салбий таъсирини кўрсатиб, турли кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Биргина 2011 йилнинг ўзида республикамиз автомобиль йўлларида жами 10 минг 611 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Бунинг натижасида 2 минг 161 киши дунёдан бевақт кўз юмди, 11 минг 228 киши турли даражада тан жароҳатлари олган. Бу кўнгилсизликларнинг 9 минг 612 таси ҳайдовчиларнинг эътиборсизлиги туфайли содир қилинган бўлса, 819 таси пиёдалар айби билан юз берган.

— Тўрт йилдан буён машина ҳайдайман, — дейди пойтахтлик Алишер Аюпов. — Айрим пиёдаларнинг хатти-ҳаракатларини тушуниш қийин. Ҳаракатланиш вақтида йўлнинг дуч келган қисмидан югуриб чиқадилар. Ана шундай пайтда йўловчи хавфсизлигини ўйлаб, тўсатдан тормоз педалини босган ҳайдовчи орқададан келаётган автомобилнинг келиб урилиши сабаб бўлади. Бир фалокатдан қочиб, иккинчисига тутилади. Қарабсизки, пиёданинг айби билан ҳайдовчилар ҳамда машина салонидагиларнинг ҳаёти хавф остида қолади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида «қоидабузарликлар» ва «қўпол қоидабузарликлар» деган атамалар ишлатилади. Қўпол қоидабузарликлар айнан йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ. Ўтган йили республикамизда 3 миллион 896 минг 125 та қоидабузарлик аниқланган. Шундан 1 миллион 588 минг 983 тасини қўпол қоидабузарликлар ташкил этади. Жумладан, 56 минг 136 та ҳолатда транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, 784 минг 959 та ҳолатда ҳаракат пайтида хавфсизлик тасмасидан фойдаланмаслик туфайли юзага келган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ҳайдовчилик маҳорати йиллар давомида шаклланиб боради. Тажрибали, кўпни кўрган ҳайдовчи ҳеч қачон мен ҳамма нарсани биламан, деб керилмайди. Чунки йўлларда содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни, кутилмаган тасодифларни ҳеч ким олдиндан билмайди. Шунинг учун ҳар қандай вазиятда ҳам ҳайдовчи, энг аввало, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиши, транспорт воситасининг техник ҳолатини доимо назорат қилиб, ўз вақтида мутахассислар кўригидан ўтказиб туриши шарт.

Акмал ЮНУСОВ,
ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси инспектори

Устуворлик инсонга тегишли

Ўз даврининг йирик намояндаларидан бири Абу Наср Фаробий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида «Маданий жамият ва маданий шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди... Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади» деб ёзади. Алломанинг бу қарашлари бугун бизнинг тасаввуримиздаги демократик жамиятни шакллантириш тамойиллари моҳиятини очиб беради.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида дадил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Барқарорлик, тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик тобора турмушимизга файз бағишлаётган ҳозирги пайтда давлатимиз дунё ҳамжамиятида катта ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Ривожланиш ва ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошиши кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти даражасига боғлиқ. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори саналади. У жамиятдаги турли ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омил ҳамдир. Ҳар бир инсон томонидан қонуннинг ҳурмат қилиниши ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимларнинг самарали фаолиятини белгилайди.

Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимга эга бўлган, уни амалиётга татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин. Афсуски, барча замондошларимиз ҳам мана шундай қобилият эгалари эмас. Шу боис, ижтимоий ҳаётда инсон омили билан боғлиқ турли номутаносибликлар мавжуд.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни таъминлаш масалалари мамлакатимиз раҳбариятининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ». Кўриниб турибдики, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг роли ва ўрни беқиёсдир.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий тарбияни янада равнақ топтириш, уни юксак ҳуқуқий маданият даражасига кўтариш — давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти аъзоларининг, кенг жамоатчиликнинг, қисқаси, ҳамманинг асосий вазифаси этиб белгиланган. Конституциямизда эса шахс ва давлат ўзаро масъуллигининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. «Инсон — давлат» муносабатларида устуворлик инсонга тегишли.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари жамиятнинг фаол аъзолари бурчидир.

Саодат БЕГИМОВА,
Денов туманидаги 3-сон ДНИ нотариуси

ИШОНСАНГ, ЎЗИНГГА ИШОН!

Ижодхона. Стол усти қалашиб ётар, элакдан ўтган «иш»лар «Мени ёз!» дегандек қаторлашиб турарди. Уларга бирин-сирин кўз югуртираман. Манавинисида бир молфуруш Ватан сарҳадини менсимай, ўғринча, яшириниб ўтишга уринибди. Манависида ўз зурриёдини тирик етим қилиб, устига-устак унга нафақа пули бермаган шахсни одил суд оталик ҳуқуқидан маҳрум этибди. Буниси янада оғир, аянчли: аёл жиноятга қўл урибди. Яна денг адвокат аёл. Ҳақсизликка қалқон, ҳақлига елкадош бўлишни мақсад қилган аёлнинг ўзи ҳақсизлик кўчасига кирибди.

Юрагим симиллаб оғриди. Хаёл аллақаёқларга олиб қочди. Кўз ўнгимда ўн-ўн икки ёшлардаги қизалоқ пайдо бўлди.

— Катта бўлсанг ким бўласан қизим?

— Адвокат, — бийрон жавоб қилди у.

— Ўҳ-ў-ў! Адолат учун курашаман де.

— Албатта. Мен одамларнинг камситилган ҳуқуқларини ҳимоя қиламан!

Қизалоқ шундай деганча оппоқ нурга уйқашиб узоқларга чопқиллаб кетди. Кўз олдим қоронғулашди. Қаршимда суднинг қора курсисида ўтирган аёл пайдо бўлди.

— Судланувчи Ҳидоят Ҳамроқулова (исм-шарифи ўзгартирилган) айбингизга тўла иқрормисиз?

— Ҳа.

— Сўнгги сўзингиз.

— Онаман. Уч нафар фарзандимнинг бири тиббий муолажага муҳтож. Етказган зараримни ўз ихтиёрим билан қоплайман. Қилган ишимдан пушаймонман...

Суд маслаҳатдан чиққач, адвокат аёлга ҳукм ўқиди. Судланувчи жиноий қилмишини ўзининг касбий фаолияти ва хизмат вазифалари билан боғлиқ шароитда содир этганлиги учун айбли, деб топилди. Ҳақиқат қарор топиши учун ўзидан ҳуқуқий кўмак ва маслаҳат сўраб келган Зулфия Акбаровадан пора олгани учун жазо олди.

Хўш, Зулфия Акбарова Ҳидоят Ҳамроқуловага нега пора берди? Ахир, одатда иллати бор одамгина ўзини фош этмоқчи бўлган кишини йўлдан уриб, унинг қўлига пора тутқазади-ку!

Йўқ, бу гал бунинг акси бўлди. Одамларнинг камситилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга аҳд қилган Ҳидоятни шайтон йўлдан оздирди. У Зулфияни алдади. Суд ижрочилари томонидан гаровга олинган «Нексия» русумли машинасини қайтариб олиб бераман, дея ишонтирди. Бир миллион бир юз олтмиш минг сўм пулнинг сўнгги 272 минг сўмини пора сифатида олаётганида қўлга тушди.

Ажаб, дунё ғалати. Одамлар ғалати. Ўқиган бўлсангиз Лев Толстойнинг «Иқрорнома»си ҳажман кичик, қулоқ супрасидай келадиган асар. Аммо унинг юки ёзувчининг умр бўйи ёзган том-том китобларининг юкидан кам эмас. Бу асар буюк файласуф, аллома адибнинг сурат ва сийрати. Адиб ботинидаги ҳақиқатлар, иқрорлар «Иқрорнома»ни тўлдирган. Ундаги гуноҳга иқрорлик Толстойча буюкликка хос фазилат инъикоси ҳам. Аммо китобни ўқий туриб, дафъатан даҳшатга тушасан: «Наҳотки, шундай улуғ аллома инсон...» деган савол чирмовуқдай чирмаб олади. Сўнг занжир ҳалқаларидай бир-бирига уланиб кетган бошқа саволлар ҳам қуйилиб кела бошлайди: «Агарки, дунёдан Толстой каби буюк инсонларнинг ўнлаб ва ҳатто юзлаб ўтганлигини, уларнинг ҳар бирининг кўнглида ўз иқрорлари бўлиши мумкинлигини назарда тутсак, у ҳолда бу дунёда кимга ишонмоқ керак?!»

«Ўзингга! Ишонсанг фақат ўзингга ишон!» деган доҳилий овоз қулоғим остида жаранглагандек бўлади. Йўқ! Бу доҳилий овоз эмас, аксинча ақлу шууримга, хотиримга қўрғошиндек ўрнашиб олган муборак танбеҳ. Бу танбеҳни эшитган пайтимда талаба эдим. Жаҳон тиллари институти журналистика факультетининг биринчи босқичида таҳсил олардим.

Эсимда. Ўқув даргоҳимизга адабиётшунос олим, ўнлаб зўр асарлар қатори «Иқрорнома»ни ҳам ўзбек тилига моҳирлик билан ўгирган таржимон Озод Шарофиддинов ташриф буюрди. Шу куни у киши билан учрашув ўтказдик. Даврани домланинг қадрдон шогирди, адабиётшунос олим Умарали Норматов олиб борди.

Домла ўзбек журналистикасининг бугуни ва эртаси ҳақида, янги асарлар ва уларнинг муаллифлари хусусида узоқ тўхталди. Шу қадар берилиб суҳбат қурдикки, ҳатто у киши талабаларнинг «Севганмисиз, севилганмисиз?» қабилидаги ўйноқи саволларига ҳам олимона жиддият, орифона сиполик, камтарона самимият билан жавоб қилганлар.

Давра қатнашчисининг олди савол уюмига тўлиб кетди. Вақт эса, чошгоҳдан оғиб борар, ҳеч бир талаба ётоғига кетай демасди. Ниҳоят, домладан кўра унинг сафдоши Умарали ака толиқди чоғи, тадбирни якунлаш таклифини билдиришдан олдин саралаб олган саволларининг сўнггисини ўқиди.

Бу камина берган юқоридаги савол эди. Ҳаяжондан оловдек ёниб ўтирардим. Шу дамда домлага илкис қарадим: устозлар устозининг чеҳраси ўзгарган, қуюқ қошлари ўртасида тугунча пайдо бўлганди. Ногиронлик аравачасида ўтирган ҳолда салгина олдинга энкайиб баланд овозда шундай жавоб қилди:

— Ўзингга ишон, ўғлим, ўзингга!

«Мавзудан чалғидинг», деманг, зеро мен икки нафар аёл «иш»и устида бош қашиб ўтирибман. Бириси алдаган адвокат аёл, иккинчиси ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб етмагани учун алданиб қолишига бир баҳя қолган аёл.

«Иш»нинг ажабланарли жиҳати ҳар икки аёл бир-бирининг нозик, камчил томонларидан «оқилона» фойдаланишга уринишган. Гап шундаки, Зулфия Акбарова 2009 йил 22 июндаги бўлиб ўтган суднинг ҳал қилув қарорига кўра, ушбу судда даъвогар сифатида қатнашган укаси Абдуғаффор Акбаровга ундириб берилиши белгиланган 5 миллион 400 минг сўм моддий зарарни вақтида тўламагани учун ўзига тегишли 50С867АА давлат рақамли «Нексия» автомашинаси суд ижрочилари томонидан хатланганди. Инчунин, Зулфия Акбарованинг мақсади «кучли» адвокатнинг «кўмаги» билан ана шу машина ҳамда 5 миллион 400 минг сўмлик қарз муаммосини хамирдан қил суғургандек ҳал этиш эди. Не тонгки, ўша пайтда танишлари унга оғир шахсий оилавий шароитда турган адвокат Ҳидоят Ҳамроқуловани рўбарў қилишади. Бу ҳол адвокат учун ҳам айни муддао эди. Бироқ...

Яна ўша занжир ҳалқаларидай бир-бирига уланиб кетган саволлар қийнайди: «Кимга ишонмоқ керак?» Яна ўша доҳилий овоз жавоб қилади: «Ўзингга ишон!»

Дарҳақиқат, ўзига ишонган одам алдамайди, алданмайди. Суднинг қора курсисига ўтирмайди.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
журналист

«Олтин қалам» танловига

МЕҲРНИНГ ҚУВВАТИ

Очерк

"Ҳаёт мактаб. Одамлар бири-бирига устозу шогирд." Раҳматли Ойша энам бу нақлни кўп такрорлардилар. Олтинкўл туманининг Оқтепа қишлоғида яшовчи Ўғилхон ая Халилова билан суҳбатлашганимда, бунинг нақадар тўғри эканига яна бир карра имон келтирдим. Очиғи, ўшанда ая ҳақида ёзиш учун бордимми ёки ундан ҳаётни ўрганганишгами... ҳарқалай борганимга қувондим.

— Рўпара қўшнимизга келин бўлиб тушганман. "Юз очди"нинг эртасига куёв — мана шу Азимжон тоғангиз "Оила меҳрнинг қуввати билан тикланади. Буни зинҳор эсдан чиқармайсиз", деб жиддий таъкидладилар. Ўзини ҳурмат қилган эркаклар бир сўзли бўлади. Шу боис, турмуш ўртоғимнинг ётиғи билан айтган бир оғиз гапи менга ҳам қонун бўлиб қолди. Маҳалламизда қайнонамнинг ҳурмати баланд эди. Иноқ-иттифоқ бўлиб яшадик. Умри қисқа экан, тўнғичим Дилрабо туғилган йили қазо қилдилар. Ёмон куйдим. Уйим ҳувиллаб, бағрим бўшаб кўп йиғладим.

Меҳрнинг қувватига қаранг, икки йилдаёқ қайнонаси билан она-боладай бўлиб қолган келин, энди кимга меҳр кўрсатиб, кимдан меҳр кўраман, деб куяди-да. Ахир, келинчакнинг назарида келин учун уйнинг каттаси қайнона, суяниш, маслаҳат олиш учун у жуда зарур эди. Суҳбатдошимнинг қайнонаси Муяссархон ая оламдан ўтгач, қайнота — Комил ота қайта уйланишни маъқул кўрмади.

— Аммамиз ёлғиз аёл эканини биласиз, — деди бир куни Азимжон. — Устига устак, бировнинг уйида ижарада яшаяпти. Агар биз бу ерга кўчириб олиб келсак, дадам жуда хурсанд бўлардилар-да.

— Вой, менам хурсанд бўламан. Ёш бошим билан кимга суянишни билмай юрибман-ку.

Собира амма жуда уқувли, тежамкор аёл эди. 17 йил бирга яшашди. Ўғилхонни келиним деди. Оналик қилди. Институтнинг бор-йўғи биринчи курс талабаси бўлган Ўғилхон аввал олий маълумотли биология ўқитувчисига, кейин мактаб директорига айлангунича уни қўллаб-қувватлади. Меҳр кўрсатди... Дилрабодан кейин Дилсабо, Дилноза, Азизбеклар дунёга келди. Оила каттарди. Меҳр унинг пойдевори бўлди.

— Ҳаётнинг синови ҳам, сийлови ҳам кўп бўларкан. Меҳрибоним онам ҳам ўтдилар. Унга куйиб юрган кунларимизда акамнинг аёли келинойим ҳам қазо қилди. Биттагина жиянимнинг ғамхўрлигини ўз зиммамга олдим. Акамнинг кейинги рўзғори бўлган келинойим ҳам ёмон аёл эмасди. Аммо кўз очиб кўрганим биринчи жияним бўлгани учунми, унга ўзим оналик қилдим.

Ҳа, ҳаётнинг синовлари кўп. Сабр ва матонат ҳам шунга яраша бўлди. Айниқса, ака ва келинойидан ёдгор жиян — ўғилни айни камолот ёшида улғайтириб, ўқитиб, уйли-жойли, уч фарзандли бўлганида қабрга қўйиш осон кечмади. Хайриятки, шундай оғир дамда Ўғилхон аяга турмуш ўртоғи Азимжон тоға суянчиқ бўлиб турди. Меҳр деганлари гоҳ сўз билан, гоҳ кўз билан узатилиб қалбни юксалтирар, оилани мустаҳкамлаб боравераркан. Йиллар ўтавераркан. Қизлар улғайганида уларни орзулаганлар кўп бўлди. Яхшига ким ҳавас қилмайди. Учала қиз ҳам маҳалладан ортмади. Ўзларидек яхши оилаларга келин бўлишди.

— Ҳаётимдан сира нолимайман. Аввали Азимжон акадай хокисор, олижаноб инсонга ҳамроҳ қилди. Қудалардан ҳам ёлчидим. Учала қизим ҳам ота-онамизнинг касби деб ўқитувчи бўлишди. Аёл — оиланинг сариштаси деган нақл билан турмуш ўртоқларига кўмакдош бўлишди. Азизбекка келсак, у танлаган қиз Олтинкўлимизнинг фахри, Ўзбекистон Қаҳрамони Сиёсатхон опа Абдуллаевага набира экани мен учун ҳаётнинг яна бир сийлови бўлди. Ахир, Сиёсат опа кўпларга устоз бўлгулик ҳаёт тажрибасига эга. У билан гаплашсам, суҳбатлашсам меҳнат инсон учун энг улуғ неъмат, оила энг муқаддас даргоҳ, яшаш инсонлар учун ноёб, гўзал ҳадя эканини англайвераман.

Опа билан ҳар бир суҳбат бир ҳаёт дарси, десам бўлади.

— Ўзингиз ҳам каттагина мактабга раҳбар, жуда кўп ёшларга, муаллимларга устоз бўлгансиз...

— Тўғри. Аммо эрини мақтаяпти демангу, Азимжон тоғангиз энг зўр устоз. Ўзи жисмоний тарбия ўқитувчиси. Тумандаги спорт мактабига то нафақага чиққунча раҳбарлик қилди. Халқ таълими аълочиси. Жуда кўп шогирдлари ҳозир таниқли спортчилар бўлиб етишган. Мен у кишининг яхши деҳқон, билимли чорвадор сифатида ҳам ҳурмат қиламан. Каттагина томорқамизни кўрганлар ҳавас қилади. Ҳовлимиз — катта боғдай. Ҳамма мевали дарахтлар бор. Сабзавот экиб ҳосил олишни-ку, жойига қўйиб қўядилар. Хўжалигимизда камида икки-учта қорамол бўлиш шарт. Буям ризқ-да. Нафақага чиққанларидан кейин-ку, бу ишларга бутунлай шўнғиб кетдилар. Дастурхонимизда йил-ўн икки ой ўзимизнинг мевалар бўлади. Томорқамиз ўз қозонимизни тўкин қайнатади.

— Томорқа ишларини бир ўзлари бажарадиларми?

— Уйнинг каттаси иш бошласа биз қараб турармидик. Аммо тоғангиз ҳар куни томорқада нималарнидир ихтиро қилиб ишлашни ёқтирадилар.

— Жаҳон иқтисодий кризиси...

— Қўйсангиз-чи, ўзбекнинг ери полвон. Унақа кризисларни йўлатмайди. Ўзингиз ўйланг, болалар ишласа, биз яхшигина нафақа олсак, сабзавоту мева-чевамиз, сутқатиғимиз сара-сара ўзимиздан чиқса, анча-мунча ошганини бозорга олиб бориб сотсак, иқтисодий кризис бизга ҳамла қила олармиди. Ўтган йили бир гуруҳ муаллимларимиз билан Самарқанду Бухоронни зиёрат қилиб келдик. Роса яйрадик. Фахрландик, ғурурландик. Ўзбекистоннинг ҳамма жойи жаннат! Демак, бу халқ ҳеч қачон оч қолмайди. Қашшоқ бўлмайди. Юртбошимиз ҳам жуда кўп маърузаларида бу ҳақда айтиб ўтадилар.

— Олма дарахтининг тагига олма тушади, деган нақл бор...

— Рост. Мана катта қизим Дилрабонинг эри Луқмонжон боғдорчилик фермер хўжалиги яратган. Би-ир кўрсангиз, яйрайсиз. Айниқса гилосзори билан олмазори кўзни яшнатади, димоғингизни маст қилади. Бу йил каттагина майдонга узум экишди. Дилрабо аллақачон мақтаниб кетди, бу йил узум шинни ейсизлар деб. Меҳнаткаш, яратувчи одамнинг феълиям кенг бўларкан. Дилрабо бешинчи қизини туққанида ўзи ўксигандай бўлди, аммо Луқмонжон сира ўзгармади. Қизларини бирам яхши кўрадики, уни кўриб куёвимга ихлосим ортиб кетади. Кенжаси — Зоҳирани айниқса жуда яхши кўради.

Ўғилхон опанинг биологлиги уйидаги, айвонидаги ҳадсиз гуллардан сезилиб турарди. Келини Ҳуснора ҳам шунга ўрганибди. Қарангки, учта новвос боғланган оғилхонанинг олдига қатор ғишт териб, буёғига қалин қилиб райҳон экиб олишаркан. Шундоғам кунда бир неча бор тозаланадиган молхонанинг анча-мунча ҳидини райҳон тўсади, кесади дейишаркан-да. Одамларимизга хос нозиктаъблик, гўзалликка уйғунлик қандай яхши.

— Айрим оилаларда бўладиган жанжаллар ҳақида нима дейсиз? — сўрадим опадан.

— Менимча, оиладаги жуда кўп жанжаллар етишмовчиликдан келиб чиқади. Етишмовчиликнинг эса сабаби ялқовлик, шифоси меҳнаткашлик, аҳиллик.

Дастурхони ҳамиша тўкин бўлса, хонадони сариштa, одамлари меҳнаткаш бўлса, фарзандлари ота-онасига ўхшашдан фахрланса, элу юрт яхшиларимиз деб алқаса, ибрат деб тавсия қилса, бундай оиланинг мустаҳкамлигига ким шубҳа қиларди, дейсиз.

Мен оқила бека, тажрибали ўқитувчи, билимдон раҳбар, бугун эса ўнта неварани бувижониси Ўғилхон опа Халилова олдига у ҳақда ёзиш учунгина эмас, балки ундан ўзим билмаган жуда кўп сиру синоатларни ўрганганини борганимни англадим. Ҳар ҳолда раҳматли Ойша энам — "Анжонбувим" кўп такрорлаб ўтган ҳикмат рост экан: "Ҳаёт мактаб. Одамлар бири бирига устозу шогирд".

Замира РЎЗИЕВА

Мутолаа

Қалб садосини тинглаб...

Шеърият азалдан шоир қалбида акс-садо бериб, уни доим бедор этган, ижод қилишга чорлаган. Шеъриятнинг сеҳри, сирли хилқати ҳам шундан бўлса керак. Қорақалпоғистонлик ёш шоира Мунаввара Қурбонбоеванинг «Жайхун чечаги» шеърий тўпламидан ўрин олган ижод намуналари билан танишган ўқувчи ана шу ажойиб хислатларни илғаб олади. Содда, самимийлик уфуриб турган мисраларда ўзига хосликни кўриб, кўнглингиз яйрайди, қайта-қайта ўқигингиз келади.



Таъкидлаш лозимки, бутун умрини севги-муҳаббат ёки она Ватан мавзусига бағишлаган шоирлар анчагина. Бироқ биз шеърларини таҳлилдан ўтказаётган шоиранинг мавзу қўлами хилма-хил, шу баробарида, уларда мантиқий фикрлаш устувор, кенг мушоҳадалилик шундоққина кўриниб туради.

Мунаввара оддийлик, самимиятни хуш кўради. Муаллифнинг тили билан айтганда:

Сўзларим ҳам оддий,
Оддийман ўзим.
Юрагим оқ, ойдин,
Беҳашам сўзим,
Шу оддийлик билан ёниб севганим,
Айтгани журъатим борми, Ватаним?

Шоиранинг Ватан, юрт ҳақидаги шеърлари ҳам чексиз муҳаббат, чуқур эҳтиром, самимият билан йўғрилган. Одатда, шоирлар юрт ҳақидаги шеърларида унинг ўтмиши ҳақида батафсил таъриф бериб, узундан-узоқ мадҳиялар битадилар. Мунаввара эса ўзи туғилиб ўсган она диёрини шеърий мисраларда мадҳ этар экан, ортиқча таърифу ташбеҳларга берилмайди. Меҳри, ҳурмати, кўнглидаги кечинмалари, тизгинсиз эҳтиросларини оддий, жўн, ўзига хос тарзда ифода этади:

Тупроқларинг кўзимга
сурма қилиб сурайин,
Тиконинг гулдан хушбўй,
унда жаннат кўрайин.
Бағрингда яйраб-яшнаб,
эркаланиб юрайин,
Мунаввар отли
эрка жайронинг бор, Қиётим!

Ёки шоиранинг «Ватан» шеъридаги мана бу ўтли эҳтиросга бой мисраларни бир ўқиб кўрайлик-а:

Булбуллари куйлаб турган боғлари бор,
Тиконингнинг ичида ҳам кулар баҳор,
Ярашади сенга фақат гулу гулзор,
Бағри мудом баҳор кутган Ватанимсан,
Қўлларида чаман тутган Ватанимсан!

«Жайхун чечаги» тўпламидан жой олган шеърларнинг аксариятида мана шундай уйғоқ руҳ, ҳаётийлик, кўтаринки кайфият сезилиб туради.

Шеърият — қалб садоси. Жайхун бўйларида туғилиб, униб, ўсиб, қалби шеъриятни ошно тутган Мунавварага қадим, табаррук она заминимизни куйлаш, қалби қайноқ шоирамизнинг она диёрининг доимо эрка жайрони бўлиб қолишини тилаб қоламиз.

Юсуфжон ҲАМДАМОВ,
филология фанлари номзоди

Таҳририятга мактуб

«ҚИСТИР-ҚИСТИР» УРФМИ?

Халқимизнинг тўю маъракаси кўп. Фақат ўзимизгагина хос бўлган урф-одатларимиз бисёр. Балки уларни сақлаб, қадрлаётганимиз учун ҳам асрлар оша ўзлигимизни сақлаб келаётгандирмиз. Бу синовдан ўтган сара қадриятларга тегишли гап, албатта. Аммо бугун ўтказилаётган тўйларда ё мезбонларнинг маънавияти ўта ғовлагани, ё манманликка берилгани сабаб кўнгилни хира қиладиган ҳолатлар одатга айланмоқда. Ана шулардан бири "қистир-қистир"лардир.

Илгари тўй эгаларининг хотин уруғлари 15-20 киши қаторлашиб, тўй давомида бир-икки марта ўртага чиқиб, санъаткорларнинг чўнтагини қаппайтиришар, уларни кўрган эр томон ҳам чўнтак ковлашга мажбур бўлар эди. Ҳозир эса даста-даста пулни ҳавога улоқтиришга иштиёқмандлар пайдо бўлди. Буни четдан кузатган киши тўй иштирокчиларининг маънавий савияси ҳаминқадарлигидан ҳафсаласи пир бўлади. Ахир, ақлфаросатли одам пешона тери билан топган пулини шу тарзда ҳавога совурмайди-да! Демак, тўй куни ўзининг бойлигини кўз-кўз қилаётган одам ўта нотавон инсон. Пулнинг қадр-қиммати қалбан ҳис этмаган бундай одамларни бошқача атаб бўлмайди.

"Балки, ўша одам мастдир, битта тўйда шу қилғиликни қилган бўлса, шунга шунча ваҳимами? Бошқа тўйлар рисоладагидек ўтиб турибди-ку", дейишингиз мумкин. Аммо бундай ҳодиса битта тўйдагина эмас, бошқа тўйларда ҳам кетма-кет содир этилса, бунга бемалол қараб туриб бўладими?! Масаланинг яна бир томони ҳам бор. Ўша тўйда қатнашаётган казо-казо санъаткорлар — маданият аҳли намояндаларининг бундай ҳолга муносабат билдирмаганига нима дейиш мумкин? Микрофон уларнинг қўлида, бир дақиқа тўй иштирокчиларининг эътиборини тортиб: "Азиз мезбонлар, қадрли меҳмонлар! Ҳамма яхши ният билан бошланган тўйнинг кўнгилдагидек ўтиши тарафдори. Ўртага чиқиб пул сочишингиз шарт эмас" деса асакаси кетадими?! Йўқ, улар аксинча босар-тусарини билмаганларни ўртага чиқариб, бор пулини шилиб олиш пайида бўладилар.

Ёмон қилиқ юқумлидир, деган нақл бор. Шунинг учун ҳам урфга айланаётган бундай манманликнинг олдини олиш чорасини вақтида кўриш керак. Қолаверса, тўй инсониятнинг маданиятлилик даражасини кўрсатиб турадиган ўзига хос аньана. Уни ўтказишда исрофгарчиликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш, қадриятларни авайлаб-асраш зарур. Бу — ҳаммамизнинг бурчимиз.

Алимардон ЖЎРАЕВ



БУЮК ДЎСТЛИК

(Бошланиши 1-бетда.)

Шаҳзода Ҳусайн Бойқаро 1469 йили Хуросон тахтини эгаллагач, биринчи навбатда, дўстини излаттирди. Зеро, янги ҳукмдор бобоси соҳибқирон Амир Темур тузукларига асосан ўзига «ақлли, тажрибали, салтанат ишларини, сирларини очиб, яширин ишлар, махфий сирларни текшириш» учун маҳрами хос танлаши керак эди. Бу жиҳатдан дўсти Алишердан муносиб киши топилмасди. Бу даврда Алишер Самарқандда таҳсил ва ижод билан машғул бўлиб, сиёсат билан шуғулланишни хаёлига келтирмаган дейиш мумкин. Бунинг исботини унинг шу даврга алоқадор қуйидаги эътирофида кўрамиз: *«...бу ҳақир ҳеч навъ хизматқа ўз қобилиятимни ченамаган жиҳатдин ва ҳеч турлук машаққатқа ўз қувватимни англамаган сабабдин борча таманно эшигин юзумга мадрус ва жамъ муддаолар абвобин илайимга масдуд қилиб эрдим. Хаёлим буким, чун оламнинг хиёнати ва олам аҳлининг диёнати равшан ва жаҳоннинг ишванамо ажизасининг вафосизлиги ва ҳаётнинг руҳафзо маҳбубасининг бақосизлиги муайяндур.*

Ҳамул авлоки дафъ айлаб аламни,
Тажарруд куйида қўйсам қадамни...
Қилиб маснад қаноат буръёсин,
Кийиб дебо киби узлат палосин...
Халойиқдек тилаб зоҳир ҳузурин,
Жаҳоннинг чекмасам жони ғурурин.
Тутуб ҳар шуғулдин дунёда гўша,
Муҳайё айласам, уқбоға тўша...»

Султон Ҳусайн Самарқанд султони Аҳмад мирзодан Алишернинг Ҳиротга қайтишига рухсат беришини илтимос қилади ва Алишернинг ўзига эса буйруқ тарзида қабул этиши лозим бўлган мактубни жўнатади. Мактубда Алишер, гарчи ўз ижоди билан халққа танилган ва халқ унинг маъни гавҳарларидан баҳраманд бўлган эсада, мусофирчиликда қийналиб юрганига афсус билдирилади ва энди шодлик замони етгани айтилади:

К-эй фазл жаҳонининг сипеҳри,
Йўқ, йўққи ўшул сипеҳр меҳри...
Сен гарчи гуҳар дўкони очтинг,
Лекин бу гуҳарни элга сочтинг.
Фикринг чаманида кўп раёҳин,
Лекин бўлиб анда халқ гулчин.
Назминг гулидинки даҳр тўлди,
Дегилки, сенга не баҳра бўлди?
Лафзингдин улусқа важду ҳолат,
Етмай санга баҳра жуз малолат...
Эмдики тараб замони етти,
Даврондин алам нишони кетти.

Ҳусайн Навоийнинг Ҳиротга тез етиб келишини ҳукм қилар экан, унинг алоҳида эътиборда бўлажагини айтади:

Ҳам субҳи умидинг ўлди толеъ,
Ҳам меҳри муродинг ўлди ломеъ,
Чун соқийи давр жоми ишрат
Тутти, яна чекма заҳри меҳнат.
Тавқиъ етишгач айла лозим
Ким, жон била бўлғасен мулозим...
Ким ой уза қўйғасен қадамни,
Кун лавҳиға чекасен рақамни...
Неча бийик айласанг сўзунгни,
Ондин бийик этгабиз ўзунгни.
Йўқтур санга вақт гўша тутмоқ,
Ишрат гулин оҳ ила қурутмоқ.
Чун ҳукмни англадинг дам урма,
Балким дам урарға дағи турма.

Алишер қийин аҳволда қолади: салтанат ишларига аралашиш, бир томондан, уни ҳаловатдан бегона қилса, иккинчи томондан бадиий ижоддан узоқлаштирарди. У қалбига қулоқ тутади:

Навоий, не бало андуҳ эрур бу,
Ўзунгни солмоғинг мундоқ бўлурму.
Ангаким ақлу ҳиммат ёр бўлғай,
Бу навъ ишлар қачон душвор бўлғай?
Қуёшдин тарбият гар топса хоро,
Қилур ёқут ила лаъл ошкоро...
Булутдинким, бўлур сероб туфроқ,
Мулавван гул берур минойи яфроқ...
Кулеким, тийра бўлмиш гулхан андин,
Эрур кўзгу жамоли равшан андин...
Қўюб бекорлиғ фарзона бўлғил,
Илик ур ишгаву мардона бўлғил.

Алишернинг ушбу хотираси йигитлик даврига тааллуқли бўлсада, унда очиб берилган узлатга чекинишга мойиллик ҳисси бутун умри давомида уни тарк этмагани ҳаётининг кейинги саҳифаларида янада бўртиб кўрина бошлайди. Бу истак бир умр уни таъқиб қилган ва кўплаб навоийшунос олимлар, жумладан, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, С.Ғаниева ишларидан бу ҳақда етарли тасаввур олиш мумкин. Навоий шу даврга ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда турган бўлсада, иқтидорли шоир, фозил киши сифатида Хуросон ва Самарқанд ижод аҳли ўртасида танилиб улгурган эди. Ҳусайн салтанат илм-фани ривожи йўлида Алишер Навоийдек кишининг ўз ёнида бўлишини хоҳлар эди. Бу масалада А.Абдуғафуровнинг фикрларини ёқлаймиз.

Султон умрининг охиригача ўз ваъдасида турди. Навоий ўзи кутмаган даражада юксак эҳтиром, беҳисоб мол-дунё ва мансаб билан сийланди. Алишер Навоий ҳам охирги нафасигача дўстига улкан муҳаббат билан қаради. Умуман, манбаларда Ҳусайн мирзонинг Алишерга муносабати идеал дўстлик мақомида кўрсатилган. «Равзат ус-сафо» муаллифи бир неча ўринларда уларнинг бир-бирига муҳаббат ва садоқати кучли эканлигини таъкидлаган. Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида ҳам бир воқеа келтириладики, айтиб ўтилган мулоҳазаларга қўшимча равишда ҳақиқатда ҳам Султон Ҳусайн ва Навоий бир-бирларига юксак эҳтиром кўрсатганлар:

«...Улуғ Амир туркий «Хамса»сини тугатиб, Султон (Ҳусайн) номига бағишлаб келтирганда Мирзо дедилар:

— Анча вақтдан бери сиз билан ўртамизда бир гап борки, шуни бугун ҳал этмагимиз даркор.

Гап шунда эдики, Мирзо Амирни ўзига пир санашни хоҳларди.

Амир эса: «Оллоҳ, оллоҳ! Нима деяпсиз, биз муридмиз, сиз эса ҳаммага пир!» — дерди.

Гап чўзилгандан сўнг, Мирзо сўрадилар: «Пир нимаю, мурид нима дегани?»

Амир: «Мурид шуки, пирнинг муроди нима бўлса, муриднинг ҳам муроди шу бўлиши керак!»

Шунда Мирзо (Ҳусайн) оқ отни келтиришларини буюрди...

Мирзо деди: «Демак, мен пирру, сиз мурид бўлдингизми, менинг хоҳиш-муродим шуки, мана шу отга минасиз ва мен отнинг жиловини тутиб, олдингизда юраман. Амирнинг отга минишдан ўзга чораси қолмади...»

Бу икки буюк зот ўртасида жўшқин муҳаббат уларни бир умр тарк этмаган. Лекин ҳаётга, инсонга муносабатда баъзида улар ўртасида тушунмовчилик ҳолатлари ҳам бўлган.

Коинот, инсон ва ҳаёт

САМОДАН «МЕҲМОН»ЛАР КЕЛАДИМИ?

Сўнгги бир неча ўн йиллар давомида сайёрамизга номаълум учар объектлар (НУО), ёки бошқача айтганда, «учар тарелкалар» ташриф буюрганлиги ҳақида тарқалган «миш-миш»ларга келсак, улар жуда катта шов-шувларга сабаб бўлаётгани, биз мутасадди олимларни ташвишга солиб, жамоатчиликка бу муаммонинг оқини оққа ва қорасини қорага ажратиб бериш масъулиятини юклайди.



Биринчи марта «учар тарелкалар» ҳақида америкалик бизнесмен Кеннет Арнольд ёзган эди. У ўз шахсий самолётида Вашингтон штатининг Қояли тоғлар ҳудудидан учиб ўтаётиб, тоғ чўққилари устида 9 та ярқироқ объектни кузатди. Арнольд ўшанда бу ҳакда ҳикоя қилиб, кузатган бу ярқироқ дисклар («тарелкалар») Коинотдан планетамизга ташриф буюрган ақлли мавжудотларнинг космик кемалари бўлса керак, деган фикрни ўртага ташлади.

Бу ҳодиса 1947 йилнинг июнь ойида бўлган эди. 1948 йилнинг 7 январида эса АҚШнинг Форт Нокс шаҳарчаси яқинидаги АҚШ Харбий ҳаво кучлари базасининг навбатчиси осмонда тепаси қизил шарсимон «музқаймоқ»ни кўриб қолди. Ҳавога Томас Мантел командирлигида қирувчи самолётлар гуруҳи кўтарилди. Командир тушунарсиз «объект»нинг кетидан қувиб, етти минг метр баландликка кўтарилганда, у билан алоқа узилди. Кўп ўтмай мазкур база яқинида парчаланган самолёт ва Мантелнинг жасади топилди.

Фожиали бу ҳодиса номаълум учар объектларга қизиқишни янада орттирди. Ҳукумат НУОларни тадқиқ қилишни махфийлаштириб, улар ҳақидаги маълумотларни ўрганиш учун Харбий ҳаво кучларининг махсус комиссиясини тузди. Комиссия ўн йилдан кўпроқ вақт давомида ишлаб, кўп ҳолларда ўрганиладиган масаланинг махфийлигига эътибор бермай қўйди. Ниҳоят, 1964 йилга келиб бу тадқиқотларга барҳам берилди. Шу вақт ичида АҚШ ҳукумати НУОларни ўрганиш учун Харбий ҳаво кучларининг комиссиясидан ташқари яна иккита комиссия тузди. 50-йилларнинг охирида ишлаган давлат комиссиясига таниқли астрофизик Дональд Мензель, 60-йилларнинг сўнггида ишлаган иккинчи комиссияга эса Эдвард Кондон бошчилик қилди.

Д.Мензель ўн йилдан ортиқ вақт ичида НУО ҳақида ёзилган материалларни ўрганиб, «Учар тарелкалар ҳақида» деган китоб ёзди (бу асарнинг таржимаси 1962 йили рус тилида нашр қилинган). Мазкур асар сўнггида олим: кузатилган ва ўрганилган НУОларнинг бирортасини ҳам космосдан келган ташқи цивилизацияларнинг вакили дейишга асос йўқ, деб хулоса қилади, бу объектларнинг кўплари атмосферада кузатиладиган оптик ва астрономик ҳодисалар — сароб, қутб ёғдуси, баланд булутларда қуёш нурларининг акслaниши, кометалар, метеорлар каби табиий ҳодисалар ва объектлар эканлигини исбот қилди.

Иккинчи комиссиянинг раиси — Америка физиклар жамиятинииг президенти жуда катта ҳажмдаги НУОларга тегишли бўлган маълумотларни ўрганиб, бу объектларнинг 80-90 фоизи Ер ва унинг атмосферасида «туғилган» ҳодисалар ва объектлар эканлигини маълум қилди. Бу комиссиянинг фаолияти АҚШ ҳукуматига 500 минг долларга тушди.

Охирги марта «учар тарелкалар»нинг изидан тушган комиссия аъзолари — Техас штатининг бир группа энтузиаст физик ва инженер ходимлари бўлиб, улар Техасда НУОларни тутиш мақсадида 1975 йили каттагина замонавий обсерваторияни қуриб ишга туширдилар. Олимларнинг бу гуруҳи бир йил ичида НУОларнинг бор ёки йўқлиги узил-кесил аниқланишни мақсад қилиб иш бошладилар. Уч йил давом этган осмонни тинимсиз «қоровуллик» қилиш оқибати натижасиз тугади. 1978 йили мазкур гуруҳ олимлари ҳам олдинги комиссиялар каби НУОларнинг космик келиб чиқиш ҳақида барча қарашлар уйдирма гаплар эканлигини маълум қилдилар.

1970 йилларда собиқ Иттифоқда ҳам НУОлар ҳақида иккита конспект тарқатилиб, уларнинг бири астроном Ф.Зигель номидан, иккинчиси эса В.Ажажа номидан ёзилган эди. Биринчи конспектнинг «автори» таниқли астроном, Москва Авиация институтининг доценти Ф.Зигель «учар тарелкалар» ҳақидаги конспектга унинг ҳеч даҳли йўклигини ва бундай бемаъни конспектга муаллифликдан уни озод қилишларини сўраб, судга ариза топширди. Маълум бўлишича, мазкур конспектнинг ёзилишида Ф.Зигелнинг ҳақиқатан ҳам иштироки бўлмаган. Таниқли олимнинг номидан бу конспектни ёзиб, мамлакат бўйлаб тарқатиш кимнингдир қизиқишида бўлганлиги кейинчалик аниқланди.

Биринчи конспект материалларининг ишончлилигини текширишга фантаст ёзувчи, олим Еремей Парнов анчагина вақтини сарфлади. Хусусан, Нальчик устида 1976 йили 1,5 сутка «осилиб» турган (конспектда ёзилишича) «учар тарелка» ҳақида ёзувчи шаҳар бошлиқларидан телефон орқали сўраб билмоқчи бўлганда, улар бу ҳақда: «Биринчи сиздан эшитаяпмиз, ҳарқалай иссиғингиз жойидами ўзи?» дегандек ҳайрон бўлишди, кейин: «Сиздек капкатта одам қандайдир афсонани ҳақиқат билиб, бизни ишдан қолдиришингиз яхши эмас», — деб трубкани қўйиб қўйишди. Конспектда келтирилган, Москва вилоятининг Кунцовка переездида поезд ўтаётганда тўсатдан осмонда пайдо бўлган номаълум учар объект ҳақидаги «факт» ҳам фантаст ёзувчи текширишларидан кейин афсона бўлиб чиқди. Дарҳақиқат, чет эл махсус саргузашт журналлари саҳифаларидан ўрин олган ва тарқатилган шу сингари конспектларда қайд қилинган номаълум «учар объект»ларнинг кузатилганлиги ҳақида бирор бир илмий далилнинг (фото, расми, унинг топилган қисмлари ёки ёзиб олинган товушларининг) йўқлиги булар ҳақидаги маълумотлар ғирт афсонадан бошқа нарса эмаслигини кўрсатди.

Қуёш системасига энг яқин бошқа цивилизация қўшни юлдузнинг атрофидаги сайёрасида ҳам бўлиши мумкин, деб қаралганда ҳам, у биздан салкам 4,5 ёруғлик йили (секундига 300 минг километр юрадиган ёруғлик 4,5 йил ичида ўта оладиган йўл демак) масофада бўлишини яхши ҳис қила оладиган кишиларгина, «космик келгиндилар» чет эл материаллари ва собиқ Иттифоқда тарқалган конспектларда айтилгандек, Ерга тинимсиз «ташриф» буюришларининг нархи «уч пулга қиммат» эканлигини яхши англайдилар.

Бироқ бу космик цивилизациялар бизга ҳеч қачон «ташриф» қила олмас экан-да, деган сўз эмас, албатта. Вақти келиб бундай ҳодисанинг гувоҳи бўлишимиз эҳтимолдан ҳоли эмас.

Маматмуса МАМАДАЗИМОВ,
профессор

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >
Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:
Давронбек ОРИПОВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

Адади: 12530 Буюртма — Г-255 1 2 3 4 5